

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИ  
ТАРИХИ: ЯНГИЧА ҚАРАШЛАР ВА  
ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР**

**2021**

**Ҳайитов Ш.А.** тарих фанлари доктори,  
профессор



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ:  
ЯНГИЧА ҚАРАШЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ  
ЁНДАШУВЛАР”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Ўзбекистон тарихи**

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчи:** Ш.А.Ҳайитов тарих фанлари доктори, профессор.

**Такризчи:** К.Ж.Рахмонов тарих фанлари номзоди, доцент.

Ўқув -услубий мажмуа Бухоро давлат университети Илмий  
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган  
(2020 йил “30” декабрдаги 9-сонли баённома)

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>5</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>10</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>24</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>79</b>
<b>V. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>95</b>
<b>VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>104</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

**“Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: янгича қарашлар ва замонавий ёндашувлар”** модулини модулини маъруза ва амалий машғулотлар орқали ўрганишда тингловчилар қарийб уч минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихида юз берган ўзгаришларни, тарихий жараёнларнинг назарий концептуал масалаларини янги чоп этилган дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмаларни таҳлил этилиши натижасида ўзлаштирадilar.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: янгича қарашлар ва замонавий ёндашувлар”** модулининг мақсади: уч минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихида юз берган ўзгаришларни ўрганиш, давлатчилик йўналишидаги жараёнларни мувофиқлаштириш ва мазмунан бойитиш, ўқитиш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган замонавий ёндашишлар ҳамда педагогик ва ахборот технологиялар билан таништириш, замонавий, юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини оширишдан иборат.

### **Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: янгича қарашлар ва замонавий ёндашувлар модулининг вазифалари:**

- Давлатчилик тушунчаси ва давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги цивилизациявий ёндашувлар ҳақидаги тасаввурни ривожлантириш;
- Ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув масалалари оид манбалардан самарали фойдаланиш учун янги тарихий маълумотларни излаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш;
- Ўзбекистонда давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимининг шаклланиши ва ривожланиб бориши масалаларини очиб бериш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малакаларига қўйиладиган талаблар**

**“Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: янгича қарашлар ва замонавий ёндашувлар”** курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **тингловчи:**

- Давлатчилик тушунчаси ва давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги цивилизациявий ёндашувларни бўйича адабиётлар ва ўқув қўлланмаларни билиши;
- Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг турлари ва бошқарув шакли, ривож ҳақида кўникмаларига эга бўлиши;
- ҳар бир Ўзбекистон тарихий даврида Ўзбекистон тарихий тадқиқотлар кўлами, ҳар бир даврнинг ўз долзарб муаммосини тадқиқотларнинг методологик асосларини мукамал билиш малакаларини эгаллаши лозим.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Фан мазмуни ўқув режадаги “Ўзбекистон тарихи фанидаги инновацияларни таълим тизимига тадбиқ этилиши” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Ўзбекистон давлатчилиги тарихи масалалари орқали хорижий тажрибаларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар ва йўналишга мос зарурий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар.

### **Модулнинг соатлар бўйича тақсимооти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклариси, соат			
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклариси		
			Жами	жумладан	
				Назарий машғулот	Амалий машғулот
1.	Давлатчилик тушунчаси. Давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги цивилизациявий ёндашувлар	2	2	2	

2.	Ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув масалалари	2	2	2	
3.	Туркистонда хонликлар даври ва Россия империяси мустамлака бошқаруви масалалари	2	2	2	
4.	Ўзбекистонда давлат бошқарувининг шаклланиши ва ривожланиб бориши	2	2	2	
5.	Давлатлар пайдо бўлиши ва давлатчилик тушунчаси	2	2		2
6.	Давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги цивилизациявий ёндашувлар	2	2		2
7.	Амир Темур ва темурийлар даврида Моварауннахр	2	2		2
8.	Сўнгги ўрта асрларда ўзбек хонликлари	2	2		2
9.	Россия империяси ва совет даври мустамлака бошқарув тузуми	2	2		2
10.	Мустақил Ўзбекистонда давлат бошқарувининг шаклланиши ва ривожланиб бориши	2	2		2
<b>Жами</b>		<b>20</b>	<b>20</b>	<b>8</b>	<b>12</b>

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-мавзу: Давлатчилик тушунчаси. Давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги цивилизациявий ёндашувлар.

#### Режа:

1. Давлатлар пайдо бўлишининг ишлаб чиқариш усулига асосланган “Шарк йўли”, мулкчиликка асосланган “Европача йўли”.
2. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялар. Бошқарув асосларининг шаклланиши ва давлатларнинг ташкил топиши.

### 2-мавзу: Ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув масалалари.

#### Режа:

1. Ўзбекистонда давлатчиликнинг турлари ва бошқарув шакли.

2. Амир Темур ва темурийлар даврида Моварауннаҳр ва Хуросонда давлатчилик ривожиди.

### **3-мавзу: Туркистонда хонликлар даври ва Россия империяси мустамлака бошқаруви масалалари.**

#### **Режа:**

1. Сўнгги ўрта асрларда ўзбек хонликлари: маъмурий тузилиши ва давлат бошқаруви масалалари.
2. Туркистонда Россия империяси мустамлака бошқарув тузумининг қарор топиши масалалари.

### **4-мавзу: Ўзбекистонда давлат бошқарувининг шаклланиши ва ривожланиб бориши.**

#### **Режа:**

1. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимининг шаклланиши ва ривожланиб бориши.
2. Давлат хокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида Президентлик институти ўрни ва роли.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Давлатлар пайдо бўлиши ва давлатчилик тушунчаси.**

#### **Режа:**

1. Давлатлар пайдо бўлишининг ишлаб чиқариш усулига асосланган “Шарқ йўли”, мулкчиликка асосланган “Европача йўли”.
2. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялар.

### **2-мавзу: Давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги цивилизациявий ёндашувлар.**

#### **Режа:**

1. Бошқарув асосларининг шаклланиши ва давлатларнинг ташкил топиши.



2. Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг турлари ва бошқарув шакли.

### **3-мавзу: Амир Темур ва темурийлар даврида Моварауннахр.**

#### **Режа:**

1. Амир Темурнинг давлат бошқаруви масалалари.
2. Темурийлар даврида Моварауннахр ва Хуросонда давлатчилик ривожи.

### **4-мавзу: Сўнгги ўрта асрларда ўзбек хонликлари.**

1. Бухоро хонлиги ва Бухоро амирлиги: маъмурий тузилиши ва давлат бошқаруви масалалари.
2. Хива ва Қўқон хонликларининг давлатчилик шакли.

### **5-мавзу: Россия империяси ва совет даври мустамлака бошқарув тузуми.**

#### **Режа:**

1. Туркистонда Россия империяси мустамлака бошқарув тузумининг қарор топиши масалалари.
2. Совет даври бошқаруви.

### **6-мавзу: Мустақил Ўзбекистонда давлат бошқарувининг шаклланиши ва ривожланиб бориши.**

#### **Режа:**

1. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимининг шаклланиши ва ривожланиб бориши.
2. Давлат хокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида Президентлик институти ўрни ва роли.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### 1. “ВЕНН ДИАГРАММАСИ” ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ (ГО)

Таълим олувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизда мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

ГО қуйидаги схема (график тасвир)га эга бўлиб, топшириқ шу схема асосида бажарилади:




График органайзер таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича яқуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

### 2. “Кейс-стади” технологияси

“Кейс-стади” (инглиз тилида “case” – метод, “study” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) технологияси таълим олувчиларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш

кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. У таълим олувчиларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади.


Технологиянинг негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади.

Булар куйидагилардир: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва таълим олувчи ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўқув натижалари.

### 3. “Концептуал жадвал” ГО

Таълим олувчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда таълим олувчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида ГОдан куйидагича фойдаланилади:



### 4. “Кластер” ГО

“Кластер” (ғунча, тўплам, боғлам) график органайзери пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни таълим олувчилар билан яқка тартибда, гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари

сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

### **5. “Конференция” методи**

Технология таълим олувчиларга улар томонидан мавзу бўйича ўзлаштирилган билимларни эркин баён қилиш, мазмунини ўз фикри, ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритилишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўқув жараёнида технологиядан фойдаланиш ўрганилаётган муаммо бўйича муайян масалаларни ҳал этиш, маълум жараён (воқелик, ҳодиса)нинг келиб чиқиш сабаблари, уларни бартараф этиш йўллари топиш асосида таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, фикрини исботлаш ва турли вазиятлардан чиқа олиш кўникма, малакаларини ҳосил қилади.

Технология тарбиявий характерга эга бўлиб, таълим олувчиларга ўзларида ижобий фазилатларни кўпроқ шакллантириш, салбий хислатлардан эса воз кечишларида ёрдам беради.

### **6. “Кичик гуруҳларда ишлаш” методи**

Метод таълим олувчилар томонидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий билимлар асосида педагогик фаолиятни ташкил этишга оид режани ишлаб чиқиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Уни қўллаш таълим олувчилардан ўрганилаётган мавзу мазмунини пухта ўзлаштириш, асосий ғояларни умумлаштириш, маълум тизимга солиш лаёқатига эга бўлишни тақозо этади.

Метод таълим олувчилар фаолиятини жуфтлик, гуруҳ ва жамоа асосида ташкил этиш имконини беради. Уни маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, волонтерлик ҳаракатларини олиб бориш, педагогик амалиётни ташкил этишда қўллаш янада самарали ҳисобланади.

Одатда режани ишлаб чиқишда педагогик вазият, таълим олувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, маънавий-маърифий ишнинг йўналиши, мазмуни ҳамда самарадорликка эришиш имкониятига эгаллик инобатга олинади.

### **7. “ФСМУ” методи**

График органайзер таълим олувчиларда ўрганилаётган мавзу юзасидан фикрларни мустақил баён этиш, шахсий мулоҳазаларни далиллаш (мисоллар билан асослаш), баҳслашиш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Таълим олувчиларга қуйидаги схема билан ишлаш тавсия этилади:


№	Гушунчалар	(Ф)	(С)	(М)	(У)
1.	Таълим методлари				
2.	Таълим воситалари				
3.	Таълимни ташхис қилиш				

### 8. “Қарорлар шажараси” (“қарор қабул қилиш”) стратегияси

Стратегия муайян фан асосларига оид бир қадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, муаммо юзасидан билдирилаётган бир нечта хулоса орасидан энг мақбул ҳамда тўғриси топишга йўналтирилган техник ёндашувдир. У аввалги вазиятларда қабул қилинган қарорларни яна бир бора таҳлил қилиш, уни мукамал тушунишга хизмат қилади.

Таълимда стратегияни қўллаш ўрганилаётган муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш) учун таълим олувчилар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариантни таҳлил қилиш, мақбул ва номақбул жиҳатларини аниқлаш имкониятини яратади.

Унга кўра машғулотларда таълим олувчилар қуйидаги чизма асосида ишлайди (у ёки бу тартибдаги фаолиятни олиб боришда ёзув тахтасидан фойдаланади):



### “АҚЛИЙ ХУЖУМ” методи

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар.

“Ақлий ҳужум” методининг оғзаки туридан фойдаланган ҳолда қуйидаги саволлар берилади:

1. Таълим жараёнида қадриятлар тизимининг ўрнини кўрсатинг?
2. Ўзбекистонда таълимни ташкил этишининг асосий босқичларини очиб беринг?
3. Таълим жараёнининг ички имкониятлари ва муаммоларининг муҳим жиҳатларини таърифлаб беринг?
4. Болония декларациясининг асосий ютуқлари ва камчиликлари?
5. Таълимнинг инсонпарварлашуви ва ахборотлашувида фалсафанинг ролини очиб беринг?
6. Таълимнинг қайси шакллари биласиз?

“Ақлий ҳужум” методининг ёзма туридан фойдаланган ҳолда қуйидаги саволларга ёзма тўлиқроқ вариантда жавоб ёзишлари талаб этилади:

1. Таълим фалсафасининг моҳияти нималардан иборат?
2. Дунё таълим маконида гуманитар таълимни ташкил этиш имкониятлари?

<b>Ақлий ҳужум</b>	-(брейнсторминг – мия бурони), амалий ва илмий муаммоларни ечишда жамоа билан маълумот йиғиш
<b>Усулни асосий ғояси</b>	-ғоялар тўплаш, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш, ажратиш. “Ақлий ҳужум”ни олиб борувчининг хатти-харакати учун бу ғоя асосий кўрсаткич бўлиб, иштирокчиларни имконият қадар кўп ғоялар таклиф қилишга ундайди.

<b>Қоидалари</b>	Имкони борича кўпроқ ғояларни таклиф этиш (жамлаш), уларни талқин қилиш, муаммоларни ечиш ва уларни доскага ёзиб қўйиш.
<b>Таълим берувчи</b>	Қатнашчиларни 3-4 гуруҳга бўлади ва ҳар бирига муаммолар таклиф этади ( <b>Илова 1</b> ) -Иштирокчиларни қўллаб-қўвватлайди (имо-ишора, жилмайиш, ха-йўқ сўзлари билан); -юмшоқ, аммо астойдил талабаларни бошкаларни танқид қилишдан кайтариб туради; -ҳар бир фикрни ўзгартирмасдан доскага ёздириб қўяди; -талабаларни сўровга киришиб кетишига ёрдам бериш ва психологик тускинликни йукотиш учун, олдинги ёки шу дарсдан кутилмаган, оригинал саволлар бериб машқ ўтказиши (блиц сўров) ( <b>Илова 2</b> ).
<b>Фидбэйк</b>	-ҳар бир ғояни муҳокама қилиш; -энг тўғри ғояларни қўллаб-қувватлаш

### 3. Ақлий ҳужумнинг мақсади ва қоидалари

#### Ақлий ҳужумни ўтказишдан мақсад:

- муаммони ҳал қилиш учун ғояларни топиш;
- ғояларни уларнинг аҳамиятлилигига қараб тартиблаш;
- фаол фикрлаш малакасини шакллантириш;
- кутилмаган ғояларни пайдо бўлиш жараёнини намойиш қилиш;
- топилган ғоялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

#### Ақлий ҳужум қоидалари:

- ғояларни илгари сурилиши босқичида танқид тақиқланади;
- оригинал ҳатто фантастик ғоялар рағбатлантирилади;
- барча ғоялар ёзиб борилади ёки қайд қилинади;
- агар маъқул топса муаллифнинг ўзи ҳам ёзиб боради;
- “ақлий ҳужум” методида қатнашчилар бир-бири билан юридик ва маъмурий жиҳатдан боғлиқ бўлмаслиги зарур;
- таҳлилчилар гуруҳи нисбатан самарали ғояларни таҳлил қилади, синтез қилади, баҳолайди ва танлайди;
- ушбу тадбирни ўтказишда Кейнснинг “ иқтисодчилар адашсалар ҳам уларни ғояси келажак учун хизмат қилади” деган қоидага амал қилиш.

### Натижа:

- талабалар томонидан муайян назарий билимларни пухта ўзлаштиришга эришилади;
- вақт ажратилади ва қилинади;
- ҳар бир талаба фаолликка интилади;
- уларда эркин фикрлаш лаёқати шаклланади.

### “ЛОЙИҲА” методи




**“Лойиҳа” методи** - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиладиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини ярата оладиган бўлиши керак.

Қуйидаги чизмада “Лойиҳа” методининг босқичлари келтирилган.





### “Лойиха” методининг босқичлари

## ИЛМИЙ МАҚОЛА ЛОЙИХАСИНИ ТАЙЁРЛАШ

*Таълим олувчиларга модул мавзулари доирасида эркин мавзу танлайдилар, улар мавзу хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўз илмий мақолаларини тайёрлайдилар (ҳажм 4-5 варақгача)*

### “Инсерт жадвали”

Тинловчиларда маърузалар ва мустақил таълим жараёнида олган билимлари асосида назарий маълумотларни тизимлаштиришиб уни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки рад этиш, қабул қилинаётган маълумотларнинг тушунарлигини назорат қилиш аввал эгаллаган билимларини янгиси билан боғлаш қобилиятларини шакллантиради. Тинловчилар ушбу жадвал асосида дарсда олган билимларини ўз билимлари билан таққослайди, мавзу бўйича мустақил ишлаб, янги маълумотлар олади, уларни матнда қўйилган белгилар асосида жадвалга киритади.

#### Намуна:

Инсерт жадвали

### “ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР”

V	+	-	?
---	---	---	---


“V”- ..... ҳақидаги билимларимга жавоб беради;

“+” ..... ҳақидаги билимларимга қарама-қарши;

“-” ..... янги маълумотлар

“?” ..... мавзуга оид туғилган саволлар

### “Т-жадвал” методи

Жадвал шаклида берилган топшириқни моҳиятига кўра қиёсий таққослашни амалга ошириш талаб этилади. Жадвалнинг ўнг ва чап томонларига масаланинг бир-бирига зид ҳолатлари баён этилади, масала ечими юзасидан якуний хулосага келинади.

#### Намуналар:

<b>Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълимнинг ўзига хос хусусиятлари</b>	


<b>Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ютуқ ва камчиликлари</b>	

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна:** “Динларни ўрганишда самарали услублардан бири минтақавий ёндашув” фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод қатнашчиларнинг янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади, шунингдек мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш,

баҳолаш мақсадида қўлланилади.

“Тушунчалар таҳлили” методини амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Мавзуга оид тушунчалар таҳлили”

Тушунча	Ҳал қилувчи куч	Самараси нимада акс этади	Ёндашувни илгари сурган олимлар
<i>Қиёсий динишунослик</i>			
<i>Виждон эркинлиги</i>			
<i>Дин социологияси</i>			
<i>Тотем</i>			

**Изоҳ:** Бўш устунларга қатнашчилар томонидан фикр билдирилади.

Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан

ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн
“V” – таниш маълумот.		
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак		
“+” бу маълумот мен учун янгилик		
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?		

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### “Бумеранг” технологияси

**Мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### Амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални 5 дақиқа давомида синчиклаб ўрганиш талаб этилади. .
2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи гуруҳ аъзоларини ўқилган маълумот ҳақида фикр алмашиниш имкониятини беради. Бу вазифа учун 5 дақиқа вақт берилади.
3. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат бошқа кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларининг ҳар бири ўқиган маълумот ҳақида фикр алмашиниш имкониятини беради. Бу вазифа учун 10дақиқа вақт берилади.
4. Барча дастлаб шаклланган гуруҳларга иштирокчилар қайтади, ва фикр

алмашинган маълумот юзасидан бошқа гуруҳларга бериш учун савол шакллантиради.

5. Ҳар бир гуруҳдан 1 киши савол беради, ва тўғри жавоб учун 1-3 гача балл қўйилади.

6. Тренер-ўқитувчи барча гуруҳлар тўплаган балларни умумлаштириб, ғолиб гуруҳни эълон қилади.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**“Бумеранг” технологияси асосида вазифа:** Олинган материални мазмунини тушуниб олишга ҳаракат қилинг, сўнг гуруҳда муҳокама қилинг

<i>1- гуруҳга вазифа</i>	<p>Мультискрипт бу ахборот узатишнинг ўзига хос шакли бўлиб, бир томондан катта ҳажмдаги видеоматериаллар билан ишлашни осонлаштиради, иккинчи томондан ўз ичига матн, аудио ва видео каби бир қанча медиявий форматларни олади. Бизни қизиқтирган видеотасма фрагменти ҳамда бу фрагментга тегшли транскриптни тез ва катта аниқликда танлаб олиш мумкин. Мультискрипт ўз ичига учта блокни олади – плеер, “стенограмма” ва “мазмун”. Видеоматериални кўриш учун плеер тагида жойлашган “Play” пиктограммасини босиш керак. Видеотасманинг бизни қизиқтирган фрагментини кўришни уч йўл билан амалга оширсан бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- плеер тагида жойлашган курсор ёрдамида;</li> <li>- “Стенограмма” блокида мант фрагментини босиб;</li> <li>- “Мазмун” блокида сарлавҳани активлаштириш орқали</li> </ul>
<i>2- гуруҳга вазифа</i>	<p><i>Слайд-шоу. Фотолентадан шуниси билан фарқ қиладики, унда суратлар фотофильм режимида мустақил равишда варақланади. Суратлар сценарий асосидаги кетма-кетликда қўйилади. Слайд-шоу овоз билан биргалликда аудио-иллюстрация элементларини, яъни аудиоцитаталар, шовқин, овозли эффектлар, ахборот билан тўйинтирилган матнни ўз ичига олиши мумкин. Визуал кетма-кетлик ихтиёрий. Улар воқеа жойидан олинган суратлар ёки архив кадрлари, ҳужжатлар, хариталар, скриншотлар, карикатуралар ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Бу технология репортаж, очерк, баъзида янгиликларни иллюстрация қилиш учун керак.</i></p>

<b>3-гuruhga vazifa</b>	<p><i>Аудиослайд-шоу – замонавий журналистиканинг мультимедиявийлиги сабаб яратилган фотоиллюстрациялаштиришнинг синтетик варианты бўлиб, мустақил жанрга айланди. Бу тушунча 2000 йилларда пайдо бўлган. Баъзи фотографлар фоторепортажларининг тақдимоли учун слайд-шоулардан фойдаланиб, унга тадбирда ёзиб олинган овозни қўллаганлар. Кейинчалик бу усулдан катта наириётлар фойдалана бошладилар. Аудиослайд-шоу танлаб олинган фотосуратлар ва уларга қўйилган овоздан иборат. Овоз сифатида мусиқий композиция ёки муаллиф ўқиган матн бўлиши мумкин. Мазмуннинг асоси бўлиб, ташқи шовқин, овозли эффект, аудиоцитата ёрдамида берилган ҳикоя хизмат қилиши мумкин. Визуал қатор сифатида воқеа содир бўлган жойдан олинган суратлар, ёки архив кадрлари, ҳужжатлар, карикатуралар ва ҳ.к. олинishi мумкин.</i></p>
<b>4-гuruhga vazifa</b>	<p><i>- Панорамали фотография – обзор бурчаги катта бўлган фотографиядир. Оммавий воқеаларни ёритишида, объектларни, пейзаж, жойларни тасвирга олишида уларнинг масштабини кўрсатишида актуалдир.</i></p> <p><i>- Интерактив фото – шундай фотографияки, унга махсус меткалар қўйилган бўлиб, уларни босганда матн, видео, ссылка, ижтимоий тўрларнинг статуслари чиқади.</i></p>

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: Давлатчилик тушунчаси. Давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги цивилизациявий ёндашувлар.

##### Режа:

1. Давлатлар пайдо бўлишининг ишлаб чиқариш усулига асосланган “Шарқ йўли”, мулкчиликка асосланган “Европача йўли”.
2. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялар. Бошқарув асосларининг шаклланиши ва давлатларнинг ташкил топиши.

**Таянч сўзлар:** Давлатчилик, цивилизация, тарихий-маданий вилоятлар, археология, тарихий маданий меърос, “Авесто”, Заратуштра, Зардуштийлик, Дюпперон, Ясна, Яшт, Виспарт, Видевдат, нмана, нманapati, вис, виспати, дахию, дахиюпати, ханжамана, састар, кави, форс битиклари, Ахамонийлар сулоласи, Беҳустун Нақши Рустам, Герадот, “Тарих” китоби, Фарб шарқшунослари, мустақиллик йиллари тадқиқотлар.

#### Давлатлар пайдо бўлишининг ишлаб чиқариш усулига асосланган “Шарқ йўли”, мулкчиликка асосланган “Европача йўли”.

Милоддан аввалги IX-VIII асрлар Ўрта Осиё тарихида бронза давридан илк темир асрига ўтиш даври бўлган.

Ўрта Осиёнинг темир даври тарихини ўрганишда ёзма манбаларнинг камлиги ҳамда тўлиқ эмаслигини эътиборга олиш лозим.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг қадимий вилоятлари жамияти тўғрисида муҳим ёзма манбалар – “Авесто”, (мил. авв. IX-VIII, VII-VI асрлар), ахамонийлар даври (мил. авв. VI-V асрлар) ёзма ёдгорликлари ва қадимги юнон тарихшунослари (мил. авв. V-IV асрлар) ҳиқоя қилади. Афсуски, “Авесто”нинг энг қадимги қисмлари бизнинг замонамизгача етиб келмаган. Мазкур тўплам миғлодий III-VII асрларда таҳрир қилинган. “Авесто”нинг кейинги бизгача етиб келган қисмлари тўрт китобнигина ўз ичига олади. Ясна (“қурбонлик”, - дуолар ёки қурбонлик келтириш), Яшт (“қадрлаш”,



“улуғлаш” - маъбудлар учун мадҳиялар), Видевдат (“девларга қарши қонун”), Виспрат (“барча ҳукмдорлар”). Бу китоблар ёзилган тил “Авесто” туфайлигина маълум бўлиб, авесто тили дейилади.

Кўп қатламли, мураккаб манба ҳисобланган, “Авесто” асрлар давомида шаклланиб борган. “Авесто”нинг энг қадимий қисмларида кенг ҳудудда жойлашган жамият тасвирланган бўлиб, мазкур жамият ҳақида ҳали ёзув мавжуд бўлмаган замонларга оид тасаввурлар сақланган. Ўрта Осиё учун “Авесто” маълумотлари археологик манбалар билан солиштирилган ҳолда кенг даврий чегара оралиғида - бронза давридан тортиб қадимги дунё - антик давргача бўлган ижтимоий-иқтисодий тарихни ёритишда фойдаланилади.

“Авесто” зардуштийлик дининг мўқаддас китоби бўлиб, у Заратуштра (Зардушт) динидаги халқларнинг шариат қонунлари мажмуидан иборат. Заратуштра (юнонча Зороастр) исми билан аталган зардуштийлик (заратуштризм, зороастризм) Ўрта Осиёда ислом дини жорий этилишидан олдин кенг тарқалган “Авесто”нинг баъзи бир қисмларида Заратуштра “заотара”ёки “атаурвон”, яъни қоҳин тарзида тилга олинади. Зардуштийлик дини тарихи бўйича етакчи мутахассислар мазкур ҳолатга алоҳида эътибор қаратар эканлар, Заратуштра бу диннинг ягона асосчидир, шунинг билан бирга, у ҳам қоҳин, ҳам зардуштийларнинг пайғамбари эди, деб фараз қиладилар.

“Авесто” Ўрта Осиё вилоятларининг қадимги тарихи, ижтимоий тузуми, иқтисодий ҳаёти ва маънавий маданиятини ўрганишда муҳим манбадир. “Авесто”нинг энг қадимги ҳудудий географик номлари Ўрта Осиё вилоятлари билан боғланган (Яшт китоби, 10-боб). Руйхатдаги биринчи мамлакат - “Арёнам Вайчах” ёки “Арёшайёна”, “Арёнам Вайжо”. У юртда кўпдан-кўп яйловларга эга баланд тоғлар, кенг дарёлар ва чуқур кўллар мавжуд бўлган. Яшт китобида Иската, Поруту, Моуру, Гава Сўгда (Сўғд макони) ва Хоразм каби бошқа мамлакатлар ҳам тилга олинган.

“Авесто” Видевдат китобининг биринчи бобида санабўтилган қуйидаги вилоятлар Яшт китобидаги мамлакатлар рўйхатидан анча фарқ қилади:

Арёнам Вайжо, Гава, Моуру, Бахди, Нисайя, Аръё, Ваэкерета, Урва, Хнанта, Хайтумант, Рага, Чахро ва Варна.

“Авесто”да Хоразм, Марғиёна, Сўғд, Бактрия вилоятлари йирик мамлакатлар қаторида тилга олинган. Шунинг билан бирга, Арёнам Вайжони ҳам кенг ўлка сифатида тушуниш мумкин. У ерда баланд тоғлар - Помир, Ҳисор, Тангри тоғ, чуқур кўллар - Каспий, Орол, Исиккўл, кенг дарёлар - Амударё ва Сирдарё жойлашган деб фараз қилинади.

“Авесто”да келтирилган қадимги маълумотлар Ўрта Осиёда ҳарбий-сиёсий бирлашмалар ташкил топган даврларга (мил. авв. IX-VIII асрлар) мансубдир. Шу давр аҳолисининг бир қисми ўтроқ деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган, бошқа бир гуруҳи эса кўчиб юрадиган чорвачилик шаклига ўтган. Улар ўртасидаги сиёсий қарама-қаршиликлар, кураш ва тинимсиз босқинлар “хонадонларга, кишлоқ, вилоят ва мамлакатга қашшоқлик ҳамда вайроналик келтирди”. “Авесто”да айнан ана шу даврда ҳукм сурган подшолар сулоласи - кавийлар (“Шохнома”да - кайёнийлар) рўйхати куйидагича: Хаошъёнх (“Шохнома”да - Хушанг), Йима (Жамшид), Съёваршон (Сиёвуш), Кави Хаосров (Кай-Хисров), Кави Виштасп, Кави Қават (Кай-Қубот), Кави Усан (Кайковус), Кави Пишин (Кай-Пишин), Кави Аршан (Кай- Ареш). Кави Виштаспдан бошлаб кейингилари Заратуштра таълимотининг тарафдорлари бўлган. Кави Хаосрав арийлар мамлакатларини бирлаштирувчи подшо бўлиб, “тур” - чорвадор қабилаларнинг йўлбошчиси Франграсён (“Шохнома”да-Афросиёб) билан жанг қилган. “Авесто”нинг Моуру, Сўғда, Бахди, Хоразм аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган, “тур” қабилаларининг (ва кейин сак-массагет қабилаларининг) иқтисодий ҳаётида чорвачилик алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Ўрта Осиёнинг даштлари ва тоғлари чорвачиликнинг ривожланишига кулай шароит яратиб берган.

“Авесто”да тилга олинган қабилаларнинг дастлабки ватани Арёшайёна (Арёнам Вайжо) ҳам яйловларга бой бўлган. Яшт китобининг унингчи бобида бундай хабар қилинади: “У мамлакатнинг жасур сардорлари кўпдан-кўп

харбий юришлар қилади, у ерда ўтлоқлар ва сувга сероб баланд тоғлар чорвачилик ҳаётига асос солган”. Шунинг учун ҳам Арёнам Вайжо тангри Ахурамазда ифодаси билан яшаш учун энг яхши жой деб ҳисобланган ва “Авесто”нинг руйхатларида бу ўлка биринчи навбатда тилга олинади. “Авесто”нинг географик тушунчалари қадимги форс тилида ёритилган ахамонийлар даври ёзма манбаларида ва қадимги юнон тарихшунослари асарларида такрор этилган. Милоддан аввалга II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиёда яшаб ўтган қабилалар янги этник жараёнларга асос солиб, шу ҳудудда сўғдлар, бактриялик хоразмлик марғиёналик ва сак-массагетларнинг пайдо бўлишларига сабабчи бўлган.

Ахамонийлар миҳсимон ёзувлари Бехустун ва Нақши Рустам қоятошлари, Суза, Ҳамадон ва Персепол шаҳарларидан топилиб, текширилганда, уларнинг қадимги форс тилидаги турли ижтимоий, сиёсий ва диний масалаларга доир подшо буйруқларидан ва нутқларидан иборат эканлиги аниқланди. Ахамонийлар даври ёзувларида Ўрта Осиё халқлари ва вилоятлари тўғрисида ҳам айрим маълумотлар бор.

Милоддан аввалги VI асрнинг иккинчи ярмида (540-530-522 йиллар давомида) Ўрта Осиё вилоятлари қадимги Форс давлати — Ахамонийлар сулоласи ҳукмронлиги остига тушиб қолади. Улар Ўрта Осиёда икки юз йилча ҳукмронлик қилганлар.

Милоддан аввалги V-IV асрлар Ўрта Осиё халқлари тарихи қадимги юнон тарихшуносларининг диққат марказига тушиб қолган. Бу борада Ўрта Осиё халқлари тўғрисида маълумотлар берувчи Геродотнинг “Тарих” китоби айниқса қимматлидир. Бу муҳим ҳамда дунёда машҳур манбада Бактрия, Бактра, бактрияликлар, сак-массагетлар, сўғдлар ва хоразмликлар тилга олинган бўлиб, уларнинг моддий маданияти, урф-одатлари, дини ва тарихи ҳақида ҳикоя қилинган. Геродотнинг Ўрта Осиё тўғрисидаги маълумотлари турли масалалар билан бирга бевосита юнон-форс урушларига бориб тақалади. Форсларнинг сак-массагетларга қарши юришлари ҳамда Акес-Амударё дарёсининг сувларидан фойдаланиш тўғрисидаги манбалар бундан

мустаснодир.

Бошқа бир юнон тарихшуноси Ктесий Кичик Осиёдаги Книд шахридан бўлиб, у милоддан аввалги 414 йилдан бошлаб, Аҳамонийлар подшоси Артаксеркс II саройида табиб вазифасини бажарган. Ктесий ўзининг “Персика” деб номланган асарининг катта бир қисмини бактрияликлар тарихига бағишлаган. Шунингдек Ктесий асарида Бактриянинг шаҳарлари, унинг мустақкам мудофаа деворлари билан ўралган пойтахти ҳақида, шу шаҳарни қамал қилган Оссурия подшоси Нин тўғрисида ҳикоя қилинади.

Бактриянинг оссурияликлар томонидан қамал қилиниши тўғрисида яна бир юнон тарихшуноси — Ксенофонт ҳам маълумот беради. Аммо Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳар ва манзилгоҳлари тўғрисида қадимги юнон муаллифлари асарларида маълумотлар учрамайди. Мавжуд шаҳарлар уларга номаълум бўлган бўлса керак.

“Авесто”нинг энг қадимги қисмлари, аҳамонийлар ёзувлари, Геродот, Ктесий ва Ксенофонт асарлари Ўрта Осиё тўғрисидаги ёзма манбаларнинг илк турлари ҳисобланиб, улар ўлкамиздаги аҳоли, вилоятлар, алоҳида жойлар ва дарёлар номи, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузум тўғрисидаги маълумотларни, аҳамонийлар подшоларининг Ўрта Осиёга юришлари, қадимги халқлар турмуши, дини, маданияти, қабилалар ҳаётини ёритувчи маълумотларни ўз ичига олади.

### **Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялар. Бошқарув асосларининг шаклланиши ва давлатларнинг ташкил топиши**

Ўрта Осиё илк темир даврига оид (мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярми) моддий маданият ёдгорликларига ниҳоятда бойдир. Ўлкада кенг кўламда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида топилиб, текширилган қишлоқ ва шаҳар харобалари қадимий маданий ўчоқлар ҳисобланади. Қуйи Мурғоб, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида, Хоразм ва Фарғона водийларида илк темир даврига оид жуда кўп ёдгорликлар борлиги маълум бўлди.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг бошларига оид ёдгорликларидан

Сурхондарёда Кучуктепа, Бандихон ва Қизилтепа, Қашқадарёда Сангиртепа, Узунқир ва Ерқурғон, Зарафшон воҳасида -Афросиёб ва Кўктепа, Фарғона водийсида Далварзин, Чуст, Бозтепа ва бошқалар ҳисобланади. Шу даврга оид хом ғиштдан ва пахсадан қурилган бинолар, меҳнат қуролилари, хунармандчилик буюмлари ҳамда бошқа топилмалар Ўрта Осиёда моддий маданият юксак даражада бўлганлигидан далолат беради.

Қадимги кўчманчилар - сакларнинг ёдгорликлари Қуйи Зарафшон, Амударё, Орол денгизи атрофида, Помир ва Тангритоғ ҳудудларидан топилган. Улар, асосан, мазор-қўрғонлардан иборатдир. Топилмалар орасида бронза ва темирдан ишланган ҳарбий қуролилар, зеб-зийнат буюмлари, меҳнат қуролилари ва сопол идишлар учрайди.

Ўрта Осиё ёдгорликлари бўйича ўтказилган қазилма ишлари натижасида топилган моддий манбалар марғиёналиклар, бактрияликлар, хоразмликлар, саклар ва сўғдлар тарихини чуқур ўрганишга, шунингдек уларнинг кўшни мамлакатлар халқлари билан ўзаро муносабатларини аниқлашга имкон яратади.

Археологик қазилмалар натижасида маданий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган энг қадимги шаҳарларнинг харобалари аниқланди. Шаҳар ичкарасидан топилган турли қурилиш қолдиқлари савдо йўллари ёқасида жойлашган Афросиёб (Мароканда), Узунқир, Кўктепа, Қизилтепа, Ерқўрғон каби ҳудудларнинг қалин муҳофаа деворлари билан ўралганлигидан далолат беради.

XX асрнинг 30-йилларида Ўрта Осиё ҳудудларида археология ёдгорликларининг кенг ўрганилиш жараёни бошланиб, топиб текширилган археология манбаларидан қадимги жамият тарихи, маданияти ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларини урганшца фойдаланилган.

40-йилларнинг охири ва 50-йиллар давомида ибтидоий жамият ва илк давлатчилик тизимида оид ёдгорликлар Ўзбекистон, Жанубий Туркманистон ва Тожикистонда тадқиқ қилинган. Ушбу ишларни С.П. Толстов, А.П. Окладников, Б.А. Куфтин, М.Е. Массон, Н.Ф. Ғуломов, А.Н.

Бернштам, В.М. Массон, Ю.А. Заднепровскийлар рахбарлигидаги экспедициялар амалга оширган.

60-70-йилларда А. Аскарлов, А. Мухдмаджонов, Исломов, В.И. Сарияниди, О.К. Бердиев, А.З. Виноградов, М.А. Итина, Э. В. Ртвеладзе, Р.Х. Сулаймонов ва бошқа олимлар томонидан археология ёдгорликларида кенг тадқиқотлар олиб борилган Ушбу ишларнинг натижалари таҳлил қилинган ва тарихий асарларда умумлаштирилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қадимшуносларнинг тадқиқотларида махсус археология мавзуларини ёритиш (ёдгорликларнинг ва топилмаларнинг тавсифи, хронология ва даврлаштириш, хўжалик, маданият ва б.) музей» аҳмият касб этган.

Шўро даври илмий адабиётларида жамият, бошқарув ва давлатчилик тарихига ёндашишда шу давр мафкураси талабига кўра, ишлаб чиқилган синфий назариядан фойдаланилган. Олимларнинг тадқиқотлари ушбу гоёлар доирасида чегараланиб, назарий ва амалий жихатдан уларни амалга оширишга мажбур эди.

Ушбу мавзуга бағишланган адабиётларда ибтидоий тузумнинг емирилиши ва синфий жамиятнинг вужудга келиши сабаблари куйидагича кайд қилинган:

- кўшимча (ортикча) махсулотнинг пайдо булиши;
- айирбошлашнинг ривожланиши;
- ижтимоий меҳнат таксимоти;
- она уруғи (матриархат)дан ота уруғи (париархат)га ўтилиши;
- кўшни худудий уруғжамоаларнинг вужудга келиши; .
- мулкый тенгсизлик ва ижтимоий табакаланиш;
- эксплуатация (бошқа кишилар меҳнати билан яратилган махсулотни ўзлаштириш)нинг илк шакллари.

Ушбу ижтимоий-иктисодий белгилар давлат вужудга келишининг асосий омиллари сифатида барча худудлардаги қабила ва элатлар тарихи билан боғланган бўлиб, илмий, ўқув адабиётлар ҳамда дарсликларда асосий назария

сифатида қабул қилинган эди.

Маълумки, ибтидоий жамият дастлаб ўзлаштирувчи хўжаликлар (термачилик, овчилик, баликчилик) ва неолит-янги тош давридаи бошлаб ишлаб чиқарувчи хўжаликлар (дехкоичилик ва чорвачилик)га асосланиб ривожланган. Турли этнография ва археология маълумотларига кўра, ибтидоий жамоаларнинг худудий алоқалари ва ижтимоий - иктисодий муносабатлари уруғчилик тузуми хусусиятлари билан белгиланган. Ўрта Осиёнинг кадимги тарихига тегишли ушбу маълумотлар турли адабиётларда ўз аксини топган.

Инсоният тарихида ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг пайдо бўлиши жамиятнинг ривожланишида туб ўзгаришларга пойдевор бўлган. Археология манбаларга кўра, айнан шу даврдан бошлаб, кушимча маҳсулотнинг тупланиши туфайли айирбошлаш ривожланган. Боскичма-боскич худудий куипшчилик жамоаси вужудга келиб, аҳоли аралаш (бир худудда турли уруғ намояндаларишиг) жойлашуви жараёни бошланган. Археолог олимлар неолит, энеолит ва бронза даврларида кадимги жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ва маданий ривожланишида катта ўзгаришлар содир бўлганлигини турли далиллар асосида кенг ёритганлар. Ўрта Осиё ибтидоий жамият тарихини ўрганишда С.П. Толстов, Я.Ф. Фуломов, В.М. Массон, А.А. Асқаров, У.И. Исломов, В.И. Сарияниди ва бошқа қадимшуносларнинг илмий тадқиқотлари муҳим ахамиятга эга У шу тадқиқотлар натижасида Ўрта Осиёда ибтидоий жамиятнинг емирилиши сабаблари ва шароитлари аниқланган. Илмий адабиётларда килт прилган хулосаларга кўра, мил. авв. III-II минг йилликларда сунъий сугоришга асосланган дехкончилик, хунармандчиликнинг кенг суратда ривожланиши ва металлчиликнинг кашф этилиши ишлаб чиқариш жараёни ва ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг тараққиётига таъсир қилди. Бронза даври тарихий жараёнида содир бўлган ўзгаришлар тарихшуносликда қуйидагича қайд қилинган:

— аҳоли сонининг ошиб бориши натижасида кадимги кабилалар томонидан

янги ерларни узлаштирилиши, сув манбалари ва хом ашё конларини кидириш натижасида кенг ҳудудларда жойлашиши;

— бронза даврида махсус хунармандчилик ишлаб чиқаришинг вужудга келиши;

— хунармандчилик ва кишлок хўжалик маҳсулотларидан мол айирбошлаш мақсадида фойдаланиш;

— аҳолининг ижтимоий табакдланиши;

— айрим катта оилалар ва патриархал уруғ жамоаларнинг рамзлари-тамғалар ва мухрларнинг пайдо бўлиши;

— қадимги қабрлардан топиб текширилган буюмларнинг сон-сифатига кўра (металл идишлар ва яроғлар, сопол идишлар, киммат тошлардан ясалган маржой ва металл тамғалар) бой жамоа вакилларининг мавжудлиги.

Юқорида кайд этилган жараёнларнинг тахлил и шўро даврида чоп этилган турли илмий адабиётларда ўз аксини топган. Лекин хусусий мулкчилик ва ижтимоий табакаланишнинг қай даражада ривожланганлиги етарли даражада ёритилмаган.

Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларидаги қадимги аҳоли бир хилда тараққий топган эмас. Айниқса, бронза даврида иктисодий ва маданий жихатдан дехкончилик ва чорвачилик билан шуғулланган кабилалар бир-биридан ажралиб турган. Уларнинг жамияти бошқарув тизимида узига хос хусусиятлар мавжуд булган. Археологик тадқиқотлар натижасида минтақднинг жанубий вилоятларидаги утрок кишлокларда катта патриархал оила жамоаларига тегишли булган куп хонали уй-жойлар топиб текширилган, куйи Зарафшон воҳасида-йирик кулба қолдиклари (Замонбобо), Хоразмда шу давр уй-жойлари ярим ертўлалардан иборат булган- лиги аниқланди. Бу борадаги археологик маълумотлар ижтимоий-иктисодий ҳаёт даражасининг турлича бўлганини кўрсатади. Демак, ижтимоий бошқарув тизими ҳам бир-биридан фарққилган.

В.М. Массоннинг таъкидлашича, дехкончилик неолит даври “инкилоби” сифатида ўтрок ҳаёт ва янги иктисодий муносабатларга асос солиб,



уруғчилик жамиятининг ташкилий функцияларини аввалги даврларга нисбатан анча мураккаблаштирган. Мехнат жараёнларини (айниқса зироатчиликдаги ерга ишлов бериш, усимликларни экиш, хосилини йириб олиш) режалаштириш, ташкиллаштириш пайтида уруғоқсоқолларининг ўрни ва обрў-эътиборини кучайтирган, аммо дастлабки мулкый тенгсизлик паст даражада бўлиб, ижтимоий муносабатларда муҳим аҳамият касб этмаган.

Бронза металлургиясининг вужудга келиши ва куптармокли хунармандчиликнинг ривожланиши жараёнлари ижтимоий табақаланишни кучайтирган. Лекин, фақат археология материаллари орқали қадимги ижтимоий тарихни тадқиқ этиш ўта мураккаб вазифа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёнинг қадимги ижтимоий тизимини ўрганишда Олд Осиё зироатчилик жамияти тарихи билан таққослаш қўлланилган, чунки ушбу тарих ёзма манбалар асосида кенг ёритилган.

Ўрта Осиёдаги илк давлатлар “синфий жамият”, кулдорлик давлатлар” сифатида изоҳланган, С.П. Толстовнинг фикрига қараганда, ушбу давлатлар шаклланишининг асосий сабабларидан бири - йирик суғориш тизимининг барпо этилиши бўлиб, ирригация ишларини амалга ошириш мақсадида кулларнинг меҳнатида фойдаланилган. Қиёслаш учун ўтган асрнинг 70-80-йилларида Жанубий Ўзбекистоннинг тоғ олди воҳаларида 3-5 км узунликдаги қадимий каналларнинг излари тошб текширилган. Бундай кичик каналларни кишлок жамоаларининг озод вакиллари ҳам қазиб ўтказиши мумкинлиги фарз қилиш мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Аҳоли сонининг ошиб бориши қадимги қабилалар томонидан янги ерларни узлаштирилишига қандай таъсир этган?
2. Сув манбалари ва хом ашё қонларини қидириш натижасида кенг ҳудудларда аҳолининг жойлашиши қандай юз берган?
3. Бронза даврида махсус хунармандчилик ишлаб чиқаришининг вужудга келишини изоҳланг.
4. Хунармандчилик ва кишлок хўжалик маҳсулотларидан мол айирбошлаш

мақсадида фойдаланиш қандай юз берган?

5. Айрим катта оилалар ва патриархал уруғ жамоаларнинг рамзлари-тамғалар ва мухрларнинг пайдо бўлишини тавсифланг.

## **2-мавзу: Ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув масалалари.**

### **Режа:**

1. Ўзбекистонда давлатчиликнинг турлари ва бошқарув шакли.
2. Амир Темур ва темурийлар даврида Моварауннахр ва Хуросонда давлатчилик ривожини.

**Таянч сўзлар:** “илк синфий жамият”, “кулдорлик тузуми”, “кулдорлик давлатлари”, “Ўрта Осиёдаги кулдорлик формация” назарияси, мулкий тенгсизлик, ижтимоий табақаланиш, эксплуатациянинг илк шакллари.

### **Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг турлари ва бошқарув шакли**

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб Ўрта Осиёда давлатчилик шаклланишининг хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятларини ўрганиш муҳим масалага айланиб, минтақадаги илк давлатлар қандай ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий характерда бўлган, деган савол юзага келган. Аммо тарихий манбалар камлиги туфайли бу саволга жавоб бериш у пайтларда анча мушкул бўлган.

Қадимги Шарқ давлатларида сунъий суғоришга асосланган дехқончилик мураккаб суғориш иншоотларни амалга оширишни талаб қилганлигини инобатга олиб, олимлар Ўрта Осиёда ҳам шунга яқин жараёнлар содир булган ва минтақада кўпчилик аҳоли мажбурий равишда давлат томонидан ирригация каналларининг қурилишига жалб этилган, деб хулосалар чиқарганлар. Юқорида таъкидлаганимиздек, дастлаб бу фикрни С.П. Толстов ривожлантирган, кейинчалик М.М. Дьяконов худди шу сабабларни давлатчиликнинг шаклланишидаги асосий омил сифатида кўрсатиб ўтган.

Ўрта Осиёнинг қадимги тарихига тегшили “илк синфий жамият”, “қулдорлик тузуми”, “қулдорлик давлатлари” каби тушунчалар кенг ишлатила бошланди. Ўтган асрнинг 60-йилларига келиб, “Ўрта Осиёдаги қулдорлик формация” назарияси бахс-мунозараларга айланган. Айрим тарихчилар Қадимги Шарқ, Юнонистон ва Рим тарихи таъсири остида яратилган ушбу концепцияга қарши чиққан. Тадқиқотчилар Ўрта Осиёнинг қадимги ижтимоий муносабатларига хос хусусиятларини инобатга олиб, маҳаллий қуллар уй чўриси ва хизматкорлардан иборат бўлганлигини ҳамда қадимги жамият таркиби етарли даражада ўрганилмаганлигини уқтирганлар. XX асрнинг 30-50-йилларида Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида қадимги дехдончилик маданияти кенг ўрганилмаган эди (Қашқадарё, Сурхон вохалари, жанубий Тожикистон, қуйи Мурғоб). Дарҳақиқат, минтақа ҳудудларида ўтроқ аҳолининг жойлашуви ва сунъий суғориладиган ерлардан қишлоқ хўжалиги мақсадида фойдаланилиш даражаси номаълум бўлган.

Шўро даврида мулкий тенгсизлик ва ижтимоий табақаланиш мавзусини ўрганиш, жумладан, ушбу воқеалар қайси бири бирламчи бўлиб вужудга келган, деган савол ҳам долзарб муаммога айланган эди. В.М. Массон ва И.М. Дьяконовлар мулкий тенгсизликни бирламчи омил сифатида талкин қилганлар. Этнография адабиётларида “синфий жамият” пайдо бўлишига ижтимоий табақаланиш жараёни асос бўлган деб хулосалар чиқарилган. Айрим шахслар томонидан ижтимоий мансабларни эгаллаш жамоадаги ортиқча махсулот ва хусусий мулкни эгаллашга интилишлари билан боғланган. Шўро даври тарихчи ва этнографларининг фикрларига кўра, ижтимоий меҳнат тақсимоти вужудга келиши билан ташкилий-бошқарув фаолияти ишлаб чиқариш фаолиятдан ажралиб чиқади ва ижтимоий мансабларни эгаллаган шахслар учун жамоадаги ишлаб чиқарилган махсулотни узлаштиришга кенг имкониятлар яра тилади, шу асосда эксплуатациянинг илк шакллари вужудга келган. Демак, шу давр назарияларига биноан, ибтидоий жамиятнинг емирилиши ва илк давлатларнинг шаклланиши куйидагича ривож топган: мулкий тенгсизлик -

ижтимоий табакаланиш -эксплуатациянинг илк шакллари ва қулчилик-меросхўр уруғ -қабила оксуяк зодагонларининг пайдо бўлиши -урушлар ва харбий юришлар натижасида уруғ йўлбошчиларининг моддий бойликларни кўпайтиришга интилиши ижтимоий синфларнинг вужудга келиши ҳукмрон синфларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш зарурати ижтимоий бошқарувнинг сиёсий ҳокимиятга айланиши. Марксча назарияга кура, эзувчилар ва эзилувчилар синфларга ажралиши натижасида, улар ўртасида курашлар кескинлашган ва ушбу карама-каршилиқ оқибатида тарихий сахнада зўравонлик, эзувчи аппарат-давлат пайдо бўлган. Бундай ёндашув Ўрта Осиё тарихшунослигида ҳам асосий назария сифатида қабул қилинган эди.

Фикримизча, давлат ўзаро низолар ва курашларга асосланган синфий жамият махсули деган ғоя кўпдан-кўп саволларга жавоб бермаган, жумладан, Ўрта Осиёнинг қадимги тарихида илк давлатларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида қуллар ва озод жамоа аъзоларининг меҳнати қандай урин тутган, деган савол ҳам уз ечимини топмаган.

“Авесто” маълумотларига кура, Ўрта Осиё қадимги жамиятидаги қулчилик шаклларида бири “уй қулчилиги” булиб, қуллар тоифаси манбада “вайса” деб аталади. “Вайса” атамасининг мазмун-моҳияти турли адабиётларда қуриб чиқилган булиб, мил. авв. VII-VI асрларда Ўрта Осиёнинг ўтроқ зироатчилик вилоятларида “уй қулчилиги” кенг тарқалган деб фараз қилинган.

Жамиятнинг эркин аҳолисидан келиб чиққан хонавайрон ва кашшок жамоа аъзолари турли тарихий даврларда маълум булган. Аммо қадимги Ўрта Осиёда уларнинг сони, иқтисодий ҳаётдаги урни ва ахамияти (мисол учун, хунармандчилик, бинокорлик ва кишлок хужалик ишларида), бу жараёнлар тўрисида илк ёзма манбаларда аниқ маълумотлар деярли йук, Шунинг учун ҳам ушбу саволга аниқ жавоб топиш жуда мураккаб булиб, мазкур масала тарихшунослиқда деярли ўрганилмаган.

Ўрта Осиё қадимги ижтимоий муносабатларини ўрганишда ёзма ва

археологик манбаларнинг мавқеи муҳим бўлса ҳам, минтақада Қадимги Шарк ва Юнонистондаги сингари кулларни хусусий мулкка айлантириш, кулларни мулк сифатида сотиш, сотиб олиш, қўл меҳнатидан ишлаб чиқариш жараёнида кенг фойдаланилганлик тўғрисида маълумотлар деярли йук. Шунинг учун ҳам ўрта Осиёда ижтимоий муносабатлар қадимги дунё классик кулдорлик жамиятларидаги тарихий вазиятдан анча фарқ қилганлигига шуро даври тарихий адабиётларида етарли даражада эътибор берилмаган.

Шу давр тадқиқотларида қадимги шаҳарларнинг шаклланиши мавзуси долзарб аҳамиятга эга бўлган. Маълумки, шаҳарлар ва давлатларнинг пайдо бўлишибу бир-бири билан узвий борлик жараёндир. Олимлар шаҳарларни юзага келтирган омилларга изох бердилар. Илк шаҳарларнинг шаклланишида - деҳқончилик хужалигининг ривожини, металлнинг кашф этилиши, хунармандчилик ва савдо-сотикнинг ривожланиши муҳим омиллар ҳисобланади. Йирик манзилгоҳлар ва илк шаҳарлар хунармандчилик, савдо-сотик марказлари ва бошқарув тизимлари жойлашган пунктлар, маъмурий-худудий марказлар сифатида талкин қилинган.

Шуро даври тарихшунослигида Ўрта Осиё худудида илк давлатлар вужудга келишининг тарихий санаси ва даврлаштириш масаласи кескин баҳсларга сабаб бўлган. Баъзи олимлар Ўрта Осиёда ахамонийлар босқинига қадар йирик давлатлар ривожланмаган, минтақада давлатчилик тизими ахамонийлар даврида пайдо бўлган, деб таъкидлаганлар. Лекин қадимшунос олимларнинг кўпчилиги бундай хулосани инкор этиб, ўрта Осиёда давлатчиликнинг пайдо бўлиши ахамонийлардан анча олдин, қадимий даврларга бориб такалади деган фикрни билдиришган. Асосий баҳслар “Авесто”да тилга олинган “Арешайана” сиёсий бирлашмаси. “Қатта Хоразм” ва Қадимги Бактрия давлатлари масаласи билан боғланган эди.

Баъзи Фарб тадқиқотчилари (Ф. Альтхайм, В.Б. Хеннинг, И. Гершевич) “Қатта Хоразм” давлатини Копетдоғ ёнбағриларида ёки Марв ва Хирот атрофида жойлаштирганлар (ушбу худудлар хорасмийларнинг илк ватани

сифатида тахмин килинганлар. И.В. Пьянков ўрта Осиёнинг жанубидаги “Катта Хоразмнинг ҳудудий чегараларини анча кенгайтириб, ушбу давлат Эроннинг Машхад ва Нишопур воҳаларини ҳам ўз ичига олган, деб таъкидлаган. М.Х. Воробьева бу назарияга қарши бўлиб, хоразмликлар жанубий Туркменистон ерларидан қуйи Амударёга кўчиб келмаганлар, Хоразм давлатининг чегаралари анча кенг бўлиб, Ўрта Амударёдан бошлаб, Орол денгизигача ҳудудларни уз ичига олган, деб ёзган. Ушбу фикрни кўллаб-қувватлаш мумкин, худди шу маҳаллий аҳоли амирободликлар Хоразм воҳасининг марказида хужалик юритиб, кейинчалик “хорасмийлар” номини олган

“Катта Хоразм” давлати вужудга келиши даври хусусида ҳам турли фикрлар мавжуд. Жумладан, М.А. Итина бу давлатнинг мил. авв. VI аср бошларида вужудга келганлигини таъкидласа, О.А. Вишневская ва Ю.А. Рапопортлар мил. авв. VII — VI асрлар чегарасида вужудга келган деб фикр юритганлар.

Дастлаб, Баодрия давлати ҳақидаги масала ҳам бахсли эди XX асрнинг 70-80-йилларида археологлар Қадимги Бақтрия ҳудудларида илк темир даврига оид кўп сонли уй-қўрғонлар, қалъалар ва шаҳарлар қолдиқларини топиб текширдилар. Натижада, Қадимги Бақтрия давлати тарихи янги маълумотлар асосида ўрганилди.

Шўро даврида чорвадор-кўчманчи қабилаларнинг тарихини ўрганишга ҳам кенг эътибор қаратилган. Бронза давридан бошлаб чорвадор қабилалар минтақанинг тоғолди ҳудудларида ва даштларида кенг тарқалган. Уларда узига хос иқтисодий ва ижтимоий тузум ривожланган. Слимлар кучманчилардаги бошқарув ва сиёсий тизим жараёнларини урганишда даставвал ёзма манбаларга эътибор берганлар. Кучманчиларнинг сиёсий бирлашмаларга уюшганликлари тўғрисида юнон тарихчиси Ктесийнинг саклар маликаси Зарина ўрта Осиёнинг жанубида ўз ҳукмронлигини Уриатиш учун Мидия қушинлари билан жанг қилганлиги туррисидаги хабарлари далолат беради. Ахамонийлар подшоси Кир II га массагетлар

маликаси Тумарис карши чиккдн. “Авесто”да Ўрта Осиёнинг кучманчи кабилалари “тур” ва “дану” деб аталади. Тадкикютчиларнинг таъкидлашича, улар кучманчилар орасида харбий-сиёсий кабина уюшмалари вужудга келган даврларда яиюганлар. Дастлабки кучманўшларнинг ижтимоий ва сиёсий тарихини урганишда Қуйи Сирдарёдаги мил. авв. IX-VIII асрларга оид Тагискен макбараларида топиб текширилган маълумотлар мухим ахамият касб этди. Тагискен кабрларида кучманчиларнинг сардорлари ва оксоколлари дафн этилган.

Мустақиллик йилларида Марказий Осиё мамлакатларида илк давлатчилик тарихи муаммоларини ўрганиш ва тахлил қилиш долзарб вазифага айланди. Минтаканинг бир катор республикаларида утмиш воқеаларнинг янгича концептуал баёни Марказий Осиёнинг қадимги тарихини кенг куламда қайта қуриб чиқиш, ҳолис ва ҳакконий ёритишга айланиб кетди. Тарихчиларда минтақа халқларининг ҳакконий тарихини яратиш учун чинакам тадқиқотлар олиб бориш ҳамда янги аниқ тарихий умумлашма тадқиқотларга мўлжал олиш имкониятлари пайдо булди.

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб баъзи тарихчилар ва тарихий мавзуларга мурожаат эта бошша- ган бошка гуманитар соҳа вакиллари илгариги услубиятдан воз кечишни ҳеч қандай илмий ёндашувни тан олмасликдир, деб тушундилар, мураккаб тарихий масалалар тадқиқотчи қандай хоҳласа, шундай ёзилади, деган ақидага амал қилдилар. Марказий Осиё доирасида тарихчи олимлар ўртасидаги алоқалар ахён-ахёнда кўзга гашланадиган булиб қолди ҳамда қадимги тарихга мурожаат қилиш қулоч очди ва бу купинча соф илмий муаммоларни урганиш доирасидан четга чиқа бошлади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида қадимги бошқарув ва илк давлатчилик масаласини ўрганишда янгича концептуал ёндашувлар ишлаб чиқилмаганлиги туфайли, бу борада шўро даври назариялари турли нашрларда ўз ахамиятини йўқотмаганлиги табиий эди. Шунинг учун ҳам илк давлатчиликка мансуб хусусиятлар анъанавий изох топди (жамият икки

карама-карши синф - эзувчи кулдорлар ва эзилувчи куллар синфига бўлинган, кул бир ёки бир неча хужайиннинг шахсий мулки ҳисобланган, кул ишлаб чиқариш воситасига эга бўлмаган), шунингдек, Бактрия, Сўғд, Хоразм “йирик кулдорлик давлатлар” сифатида ёритилди.

XX аср 90-йилларининг бошларида чоп этилган айрим рисолаларда куйидаги хулосалар мавжуд: “Эрамиздан олдинги II-I минг йилликларда, бронза даврига қадам куйган Хоразмда янги шаҳарлар изчил пайдо бўла бошлади. Эрамиздан олдинги VIII асрга келиб, Хоразм давлати узининг сиёсий ва иқтисодий ривожланишида юқори даражага кутарилди. Купгина қушни минтақалар қабилалари, чунончи, фарфирлар, сурдиёнлар, арслар (Хирот), эронлар унинг ҳимоясида паноҳ топа бошладилар. Шундай қилиб, қатта-кичик қабил ва элатларнинг эркин қўшиливи натижасида Хоразм ҳудудлари тез кенгая борди Аммо на археология маълумотлари, на ёзма манбалар ушбу хулосаларни тасдиқламайди.

Албатта, бирорта муаллифга изланишлар олиб бориш, ўз фикрини билдириш, фаразларни ўртага ташлаш ва турли муаммоларни таҳлил қилиш ман этилмайди, аммо Хоразм мисолида мил. авв. II минг йилликдан бошлаб ушбу ҳудудда шаҳарларнинг ва давлатларнинг ривожланиши археология жихатдан уз исботини топмаган. Юқорида келтирилган хулосалар илмий жиҳатдан бахсли масаладир.

Олий ва Ўрта махсус ўқув юртлири талабалари учун яратилган қўлланмаларда Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузумининг емирилиш сабаблари куйидагича ёритилган: “Жамоа ихтиёрида ортиқча мулкнинг ҳосил бўлиши ва жамоаларо махсулот айирбошлашнинг вужудга келиши ҳал қилувчи ўрин тутди. Уруғ жамоалари ўртасида ўзаро жанжал, тўқнашув ва ҳатто урушлар даражасига бориб етарди. Бу тўқнашувлар оқибатида енгилган оила ва уруғ жамоанинг бойликлари қолиблар қўлига ўтарди”. Ушбу хулоса муаллифларининг фикрларига қўра, енгилган қишиларни асир ва қулга айлантирар эдилар, аста-секинлик билан ҳусусий мулк ривожланиб, шу тариқа “жамиятда мулкдорлар, хужайинлар-кулдорлар, тобелар,



мазлумлар-қуллар ва зўрликка таянувчи курулланган куч, яъни ибтидоий давлат куруниши элементлари вужудга келади. Демак, муаллифларнинг таъкидлашича, давлат карама-карши синфларнинг курашига асосланган, эзувчи синфларнинг манфаатларини химоялаш максатида, зуравонлик сиёсий аппарат сифатида пайдо бўлган.

Қадимшунос олим А.А. Асқаровнинг таъкидлашича, қадимги Ўрта Осиёда кулчилик муносабатлари классик шаклда ривож топмаган, минтақада ушбу муносабатлар “патриархал кулчилик характерга” эга бўлган. А.А. Асқаров ва Т.Ш. Ширинов илк шаҳарлар ва давлатлар ўртасидаги алоқаларни қайд этиб, илк шаҳарларнинг археологияси белгиларини кўрсатиб бердилар.

А.А. Асқаров томонидан қадимги тарихнинг асосий хусусиятлари ва давлатчиликнинг вужудга келиши масаласи таҳлил қилинган.

Ушбу масалага муружаат этган С.С. Қудратов муаммога янгича ёндашишга ҳаракат қилиб: “Совет даври тарих фанида давлат синфий жамиятнинг махсули деб таъкидланарди ҳамда бу жараённинг ибтидоий даврда бошла ниши мумкинлиги инкор этиларди” деган хулоса чиқарди. Аммо қадимшунос олимнинг рисоласида ўз аксини тоиган кейинги фикр-мулоҳазалари шўро даврида қўлланган синфий назарияни тўлиқ такрорлаган Бундай ёндашув табиий бир ҳол бўлган, чунки ХХ асрнинг 90-йилларида илк давлатчилик тарихини яратишнинг аниқ илмий-услубий йўналишлари хали ишлаб чиқилмаган эди.

Биз таҳлил қилаётган С.С. Қудратовнинг рисоласидаги “Марказий Осиё илк давлатлари пайдо бўлишининг шарт-шароитлари ва омиллари” деб номланган бобида қуйидагича хулосалар мавжуд:

- қўшимча махсулот бир киши томонидан ишлаб чиқилиб, бошқа киши томонидан ўзлаштирилади, нўни эксплуатация муносабатлари юзага келади;
- қўшимча махсулотнинг юзага келиши билан хусусий мулк шакллана бошлайди;
- ўзлаштирилган хусусий мулк пайдо бўлиши билан эксплуатация муносабатларига йул очилади;

— қўшимча махсулот ва хусусий мулкнинг пойдевори булиши билан жамиятда ижтимоий ва мулкий тенгсизлик юзага кела бошлайди;

Натижада, С.С. Қудратов куйидаги якуний хулосани чиқаргаи: “Ижтимоий синфларнинг пайдо булиши ибтидоий даврни синфий даврдан ажратувчи чегара ҳисобланади. Ижтимоий ва мулкий тенгсизлик жамиятда карама-қаршилик ва низоларни келтириб чиқаради. Жамиятнинг юқри тоифа кишилари ўз имтиёзлари ва бойликларини жамиятнинг оддий аъзолари тахдидидан ҳимоялашга зарурат сезади. Ижтимоий ишлаб чиқаришга ва у ни тақсимлашга булган ҳуқуқ уруғ ва қабила бошлиқларига ўз атрофларига шахсий қўриқчилар, маслаҳатчилар ва шу қабиларни туплаш имконини бёради, яъни давлатнинг ибтидоий куринишлари шакллана бошлайди”.

Ушбу хулосалар С.С. Қудратовнинг бошқа мақолаларида ҳам ўз аксини топган. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, қадимшунос олим қиска бўлса ҳам катор муҳим муаммоларни таҳлил қилишга ҳаракат қилди. Шаҳар-давлатларнинг пайдо булиши, подшоликларнинг вужудга келиши, илк давлатларнинг шакли ва бошқарув тизими қаби саволлар, шулар жумласидандир.

Тадқиқотчи Ш. Шайдуллаев илк давлатларнинг археологик белгиларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилиб, шаҳарлар ва давлатларнинг пайдо булиши ва ривожланиши жараенини куйидаги даврларга булган:

- шаҳар - давлатлар (“ном” типидagi давлатлар маркази);
- шаҳар -худудий давлат маркази;
- шаҳар - марказлашган давлатлар, империялар даврида.

Ушбу хулосаларга И. М. Дьяконов ва В. А. Якобсоннинг назариялари маълум даражада таъсир қилган. Маъшхур ншрқшунос олимларнинг гоёларидан илк давлатлар типологиясини таҳлил қилиш жараёнида С.С. Қудратов ҳам фойдаланган.

Шу уринда Ш. Шайдуллаевнинг куйидаги фикрига эътибор қаратиш лозим: "Археология фанида илк синфий муносабатлар, илк шаҳарларнинг археологик белгилари ёки цивилизациялар масаласи кенг ёритилган булсада,

илк давлатлар ва уларнинг археологик белгилари биринчи маротаба муҳокамага қўйилмоқда”. Аммо аввалги йилларда, яъни В.М. Массоннинг 1976 йилда чоп этилган “Қадимги жамиятларнинг иқтисодий ва ижтимоий тузуми” монографиясининг 185-бетиде келтирилган 23-жадвал “Илк синфий жамият шаклланишининг археологик схемаси” деб номланган эди. Унда Ш. Шайдуллаевнинг илк давлатларнинг археологик белгилари жадвали сингари ўхшашликлар мавжуд. Мисол учун, ёдгорликлар (манзилгохлар) сонининг ошиши, хаша матли (бой) ва оддий уйлар, манзилгохларнинг иерархияси, сунъий сугориш (каналларнинг колдиклари) ва экинлар турларининг колдиклари, харбий истехкомлар, бой ва оддий кабрлар, ёзув ва ҳк.

В.М. Массоннинг жадвалидан Ш. Шайдуллаев хабардор бўлмаган бўлиши мумкин ва бу борада биз олимни танқид қилиш мақсадида эмасмиз. Лекин мустақиллик йилларида Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда нашр этилган айрим мақола ва рисолаларда ҳам олдинги даврларда амалга оширилган илмий тадқиқотларга иқтибослар бериш зарурати айрим ҳолатларда унутилмоқда. Тарихшуносликка, таққослаш ва қиёслашларга асосланиш ёвдашуви четлаб ўтилмоқда. Бундай ёндашув турли муаммоларни таҳлил қилишга ва ёритишга хизмат қилмайди.

Қадимшунос олим А. Анорбоев Ш. Шайдуллаевнинг мақоласини танқидий таҳлил қилиб, бир катор тақлифлар ва мулоҳазалар ичида қадимги Бактрия ва Хоразм давлатларининг географик жойлашуви, пойтахт шаҳарлари тўғрисида Ш. Шайдуллаев “бирон-бир суз айтмаган”, - деб мазкур мақоланинг муаллифи “бу давлатларнинг хронологик даври, географик жойлашуви ҳақидаги кейинги маълумотлардан ту лик хабардор эмас”- деган хулоса чиқарган. Бу борада ўрта Осиёда илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши, жумладан, Қадимги Бактрия ва Хоразм давлатлари тўғрисида, тарихий адабиётларда турли янги маълумотлар уз аксини топган. Улардан фойдаланиш ва танқидий қуриб чиқиш янги фикр-мулоҳазаларга асос бўлиши мумкин.

А. Анорбоев қадимги Фарғонада илк давлатчилик масаласига

багишланган Б.Х. Матбобоевнинг мақоласига ҳам ўз муносабатини билдириб, кадимги Фарғонада давлатчиликнинг пайдо булишини суғорма дехкончиликнинг риножланиши, кушимча махсулотнинг ортиши, ўзаро келишмовчиликлар ва урушлар натижасида асирларни қўлга олиниши, уларни мажбурий ишларга тортилиши, синфий табақаланишнинг кучайиши каби омиллар билан боғлади. Ушбу қоялар турли қурилишда шўро даври тарихшунослигида ҳам устунлик қилган. 1998 йилга қадар Ўзбекистонда давлатчилик тарихи буйича олимлар томонидан кенг таҳлил қилинган якуний ягона концепция ишлаб чиқилмаган эди. Кейинчалик концепция лойихаси ишлаб чиқилиб чоп этилди. Шу уринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг бир гуруҳ тарихчилар билан 1998 йилдаги мулоқоти чоғида ҳамда тарих ва давлатчилик муаммоларига багишланган асарида билдирилган фикрлари мазкур масаланинг янгича қарашлар ва ёндашувлар асосида ёритиш имконини яратди.

Сўнги йилларда чоп этилган бир қатор адабиётларда кадимги тарих “цивилизациявий ёндашув” тушунчасида талқин қилиниб, дастлаб илк давлат ва кадимги ҳуқуқ ўзаро бир-бирига боғлиқ жараёнлар сифатида урганила бошланди. XX аср 90-йилларининг иккинчи ярмида бошланган тадқиқотларнинг натижалари XXI аср бошларида чоп этилган нашрларда уз аксини топди.

Қадимшунос олим Э.В. Ртвеладзенинг бир қатор мақола ва асарларида Ўрта Осиёда кадимги давлатчиликнинг пайдо булиши ва ривожланиши, давлатларнинг турлари, ҳукмдорларнинг унвонлари ва харбий маъмурий мансаблари тўғрисидаги маълумотлар ўз аксини топган. Бу қарашни комплекс ёндашув деб баҳолаш мумкин, чунки у давлатчилик ва бошқарув тизимини ўрганишнинг куп жихатларини камраб олган.

Қадимшуносларнинг фикрларига кўра, Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчиликнинг шаклланиши мил. ав. II мингинчи йилликка оид бўлиб, дастлабки давлатлар “ном” турида (яъни мудофаа деворлари билан уралган

шахдр ва унинг кишлок хужалик атрофи) “шахар-давлатлар” ёки “воҳа-давлатлар”дан иборат бўлган.

Т.Н Шириновнинг таъкидлашича, ўзбек давлатчилиги тарихи мил. авв II минг йилликда бошланиб, узлуксиз тадрижий тараккиёт хозирги кунга қадар етиб келган. Азамат Зиё асарида ҳам шундай ёндашув мавжуд. Бошка муаллифлар қадимги давлатчилик даврини “Ўзбек халқи аجدодларининг илк давлатчилиги тарихи” сифатида ёритадилар. Э.В. Ртвеладзе минтақада илк цивилизацияларнинг ривожда маҳдллий аҳали ва халқлар миграцияси (кучиб келиши) натижасида маданий ва этник синтези (қўшилиши) хусусиятларига эътиборини қаратган. Илк давлатчиликнинг шаклланишига бундай ёндашув “синфий” назарияга зид бўлиб, илгариги илмий адабиётлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда илк давлатларнинг шаклланишида мулкий тенгсизлик, ижтимоий тенгсизлик, эксплуатация шакллари, жамиятнинг бири-бирига душман синфларга бўлиниши каби омиллар асосий сабаб бўлган деган ғоядан воз кечишга хизмат қилади. Ҳақиқатдан ҳам, турли тарихий маълумотлар илк давлатчиликка утишда “синфий” назариядан фаркли равишда бошқдча тарихий вазиятни курсатмоқда. Демак, илк давлат уюшмаларининг илаб чиқариш жараёнида дастлаб озод жамоа вакилларининг меҳнати муҳим урин тутганлиги туррисидаги назарияни тан олишга тўғри келади.

Адабиётларда мавжуд яна бир хулоса шундан иборатки, қадимги Шарқда фақат давлатчилик хокимияти ва сиёсий институтлар шаклландандан сунг, турли иқтисодий ва сиёсий сабабларга кура, “кушимча махсулот ва бойликлар орттирилади”, “айрим тўқ, оилаларнинг обрў-эътибори, ижтимоий ўрни баланд бўлиб, бой-бадавлат кишиларнинг ажралиб чиқишига сабаб бўлади”. Шу билан бирга, жамиятда қдшшок ижтимоий гуруҳлар пайдо бўлади, босқинчилик урушлари натижасида асирлар ва қулларнинг миқдори ушиб боради. Бу жараёнлар туфайли қулдорлик амал қилаётган давлатлар жадал ривожланади. Аммо турли минтақаларнинг илк давлатларига турлича хусусиятлар ва тарихий қонуниятлар хос бўлганлигини инобатга олиш

лозим. Ўрта Осиёнинг қадимги жамиятида синфлар пайдо бўлиб, давлатларнинг вужудга келишига асос бўлган, деган назария (яъни давлат узаро низоларга асосланган синфий жамият махсули ғояси) аниқ исботини топиши керак. Турли маълумотларга кура, ибтидоий жамиятнинг емирилиши пайтида хусусий мулкчилик, ижтимоий ва мулкий тенгсизлик оммавий равишда жадал ри вожланмаган.

Ушбу масалани фақат археология маълумотларига таянган ҳолда Урганиш ута мушкул бўлиб, Урта Осиё тарихига тегишли илк ёзма манбалар, давлат тизимига Утиш босқичида ва илк давлатлар даври иктисодий ҳаётида эркин жамоатчиларнинг ёхуд кулларнинг меҳнати ишлаб чиқаришни ривожлантираётган асосий куч бўлган, деган саволга жавоб топиш мураккаб вазифалир.

И.В. Пьянков “Авестода келтирилган “вир”, “вайса” ва “париятар” атамаларини “кул” маъноси билан боғлайди. Олимнинг фикрига кўра. “вир”лар уруғ жамоалари куллари, “вайса”лар — уй-оила куллари бўлган. Адабиётларда мавжуд маълумотлар буйича “уй кули” “вайса”лар оила жамоаси эркин аъзолари билан “умумий том остида” (уй-жойда) яшаганлар ва жамоанинг “кичик” вакилларига айланганлар.

XX асрнинг 90-йиллари ва XXI аср бошлари илмий адабиётларида илгаригидек, Урта Осиёда ахамонийларгача бўлган даврларда қуйидаги учта давлат уюшмалари ривожланганлиги тугрисида суз юритилди: Арёшайана (Арёнала Вайчах)-“Авесто”да вилоятларнинг сиёсий уюшмаси (“дахиюсасти”), Аренам Вайжо -бу ҳам “дахиюсасти” ёки унинг маркази Урта Осиёнинг жану- бий ҳудудларида бўлган “Қатта Хоразм” ёки Амударёнинг қуйи оқимидаги Хоразм давлати, ниҳоят, қадимги Бактрия давлати.

Сунги йилларда бу масалани И.В. Пьянков махсус таҳлил қилиб Арёшайана уюшмаси ни “қавийлар” (қайёнийлар) сулоласи билан боғлади. Тадқиқотчи Арёшайананинг ҳудудий марказини Бактрия ташкил қилган, деб ҳулоса чиқарган. Бу ҳулоса бахсли бўлиб, уни фараз сифатида қабул қилиш

мумкин, холос. Т. Шириновнинг таъкидлашича, Вактрия ва "Катта Хоразм", "осиёча ишлаб чиқаришта" асосланган давлатлар бўлиб, уларнинг пойдеворига бронза даврининг "илк синфий жамияти" асос солган

Мустакиллик йилларида ҳам илк давлатчиликка бағишланган кўпдан-кўп мавзулар Фарб тарихшунослигида ва шуро даври адабиётларида ёритилган муаммолар билан боғланди. XIX асрнинг охирларидан бошлаб тадқиқотчилар Ўрта Осиёда илк давлатларнинг шаклланиш санасини ахамонийларгача булган даврлар. яъни мил. авв. IX-VII асрлар билан белгилаганлар.

Ленин, шўро даври тадқиқотларига нисбатан мустакиллик йилларида илк давлатларнинг вужудга келиши санаси ва давлатларнинг турлари тугрисидаги қарашлар янги асосларда ривожлантирилиб, анча узгарди. Иккинчидан, тадқиқотчилар давлатнинг пайдо булиши жараёнини, энг аввало, ахолининг у мумий манфаатларини амалга ошириш зарурияти билан боғлаб, давлатнинг вужудга келиши "мутлако иктисодий омиллар билан чекланиб қолмайди", деб таъкидладилар.

Д.А. Алимова ва Э.В. Ртвеладзе Ўзбекистон давлатчилиги тарихини Ўрганишнинг қуйидаги асосий қоидаларини қайд қилганлар:

1. Ўзбекистон давлатчилиги автохтон этно-маданий негизга таянувчи қадимги цивилизациянинг илгари қараб ривожланиши асосида мустакил равишда пайдо бўлганлиги.
2. Ўзбекистон давлатчилигининг анъанавийлиги ва Унинг бир босқичдан иккинчи босқичга қадам-бақадам ривожланиши.
3. Ўзбекистон давлатчилиги тарихий шаклларининг хилма-хиллиги.
4. Ўзбекистон давлатчилиги шаклларининг цивилизация тараққиёти билан яна бир жараёндаги тадрижий такомиллиги.

Умуман олганда, Ўрта Осиёда илк давлатчилик ва бошқарув масалаларини ўрганишга комплекс ёндашиш. яъни барча ҳудудлар тарихини узвий боғлиқликда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шу жихатдан Суғд ва Фарғона ҳудудларидаги қадимги давр ёдгорликларини чуқур ва киёсий

ўрганиш хозирги кунда жуда долзарб масалалардан биридир.

Мустақиллик йилларида Қашқадарё ва Зарафшон вохаларида Р.Х.Сулаймонов, О.Н. Лушпенко, Л. Раимкулов, М.Х. Хасанов ҳамда Франция олимлари П. Бернар, Ф. Грене, К. Рапенлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қадимги СЎғд тарихига оид маълумотлар анча кенгайди. Мазкур қадимшуносларнинг нашрларида айрим муҳим ижтимоий - иқтисодий масалалар ёритилди.

Мустақилликдан сўнг Хоразмда кечган давлатчилик жараёнларини ўрганишга катта эътибор берилди. Мазкур масала юзасидан шўро даврида ҳам тадқиқотлар олиб борган Ю.А. Рапопорт, М.Г.Вайнберглар маълумотлари диққатга сазовордир Улар “Катта Хоразм” ва умуман, давлатчилик муаммосини янги асосда талкин қилганлар. Тадқиқотчи Л.Т. Яблонский кучманчилар конфедерацияси ва саклар билан боғлиқ миграция ҳаракатлар ҳамда уларнинг Хоразмдаги давлатчилик жараёнларига таъсирини тадқиқ қилган. Бу муаммога тадқиқотчи В.Н. Ягодин ҳам ўз мақолаларида катта эътибор қаратиб, Хоразм давлатчилиги вужудга келишининг маркази Сарикамиш кули буйлари ҳамда жанубий Хоразм ҳудудларига турри келиб, уларнинг ҳам асосий маркази Кузаликир ва Хазорасп шаҳарлари булган, деган фикрни илгари суради". Кейинги даврларда, айниқса, Хумбузтепа, Тошқирмон воҳаси ва жанубий Хоразмда С.Б. Болелов, С. Баратов, Ш. Матрасулов, В.Н. Ягодин, Ф.Х. Ходжаниязовлар томонидан олиб борилган археологик тадқиқотлар муҳим ахамиятга эга.

### **Амир Тему́р ва темурийлар даврида Моварауннахр ва Хуросонда давлатчилик ривожиди.**

Мустақиллик йилларида ўзбек тарихшунослигида рўй берган энг муҳим ўзгариш, яъни тарихий адолатни қарор топиши – бу буюк Соҳибқирон Амир Тему́р пок номини тикланиши бўлди. Юртбошимиз таърифи билан айтганда “... тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо” номи бутун жаҳонга маълум ва машҳур бўлган буюк шахслар қаторидан жой олган. XX аср 90-йиллари ўзбек тарихшунослигида



Амир Темур даври тарихи, давлат бошқаруви хусусида кўплаб аҳамиятга молик тадқиқот ишлари амалга оширилди. Илк бора “Темур тузуклари” китоби ўзбек ва бошқа тилларга ўтирилди, шу даврга оид қатор тарихий манбалар, жумладан Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, ибн Арабшоҳ, де Клавихо ва бошқаларнинг асарлари таржима қилинди, Амир Темурнинг Ўрта Осиё ва жаҳон тарихида тутган улкан роли ва хизмати очиб берилди, Темурнинг миллатимиз фахри ва қахрамонлиги образи дарсликлардан жой олди, Амир Темур давлати ички ва ташқи сиёсати хусусида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди ва ҳақозо. 1996 “Амир Темур йили”да Парижда ва Тошкентда ўтказилган халқаро илмий анжумандарда башарият тарихида буюк Соҳибқирон тутган ўрни мавзуси қатор таниқли ўзбек ва жаҳон олимларининг чиқишларида ўз аксини топди. Амир Темур шахси, фаолияти, у барпо этган давлат тарихи ХХІ асрда нафақат Шарқ, балки Ғарб дунёси, илмий жамоатчилигида ҳам улкан қизиқишга сабаб бўлмоқда.

Истиқлол йилларида Амир Темурнинг ўғли, деярли қирқ йил Темурийлар салтанатида зукколик ва оқиллик билан ҳукм сурган Шохрух Мирзонинг фаолияти илк бора илмий жиҳатдан ўрганилди. Шохрух Мирзонинг Темурийлар салтанати бирлигини сақлаб қолишдаги ўрни ва роли очиб берилди. Гиёсиддин Наққош, Абдураззоқ Самарқандий сингари дипломат ва саёҳатчиларнинг асарлари таржима қилинди. Ҳолбуки Шохрух Мирзонинг фаолияти хусусида мустақиллик даврига қадар алоҳида олинган тадқиқот иши амалга оширилмаган эди.

“...Тинчлик, тотувлик, илм-фан ва маданиятни тараққий топтириш йўлида улкан шижоат ва матонат кўрсатган” буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек (Муҳаммад Тарағай)нинг фаолияти хусусида вақтида кўплаб китоблар ёзилган эди. Лекин, фақат истиқлол шарофати ила Мирзо Улуғбекнинг фаолияти ва илмий мероси том маънода чуқур ва ҳар томонлама ўрганилиши бошланди. 1994 “Мирзо Улуғбек” йили да ЮНЕСКО ташаббуси билан Парижда ва Тошкентда ўтказилган илмий анжуманларда

Мирзо Улуғбек даври тарихи юзасидан кўплаб эътиборга молик тадқиқотлар амалга оширила бошланганлиги аён бўлди. Илк бора Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби ва маданият ҳомийси сифатидаги тарихдаги ўрни ва роли очиқ берилди. Ҳам шоҳлик ҳам олимликни ўзида юксак салоҳият ила мужассам қила олган улуғ зот фаолияти хусусида нафақат тарихчи олимлар, балки табиий фан вакиллари ҳам қатор тадқиқотларни амалга оширдилар. Мазкур ҳолат 2009 йил Самарқандда ўтказилган халқаро илмий анжуманда ҳам тўлиқ ўз аксини топди. Мустақиллик йилларида тарих фанида юз берган муҳим ижобий ўзгаришлардан бири – халқимизнинг миллий қахрамони, мустақил совет ҳукмронлиги даврида номинг ноҳақ қораланган Амир Темур пок номини оқланиши бўлди. Республикамиз Биринчи Президенти И.Каримовнинг ташаббуси билан соҳибқироннинг миллат ва давлат равнақидаги буюк хизматлари эътироф этилган ҳолда унинг 660 йиллиги 1996 йили халқаро миқёсда кенг нишонланди. Соҳибқирон шахсига бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақиллик йилларида Амир Темур шахси, унинг давлати, ички ва ташқи сиёсат, Темурийлар ҳукмронлиги хусусида кўплаб аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди. Хусусан, республикада 1996 йил – “Амир Темур йили” деб эълон қилинди, “Амир Темур халқаро жамғармаси” ташкил этилди, Темурийлар тарихи давлат музейи очилди, “Амир Темур” ордени таъсис этилди, ЮНЕСКО ташаббуси билан 1996 йил апрелда Парижда халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди, Амир Темур ва Темурийлар даврига оид кўплаб тарихий манбалар таржима қилинди ва ҳоказо. Шубҳасиз, тарихий ҳақиқатни қарор топтириш ишига тарихчи олимлар ҳам ўз муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. А.Ўринбоев, Б.Аҳмедов, Д.Юсупова, У.Уватов, А.Муҳаммаджонов, А.Аҳмедов, О.Бўриев ва бошқа кўплаб олимлар томонидан тарихий манбалар таржима қилинди, эътиборга молик тадқиқотлар амалга оширилди: А.Зиё, Ҳ.Бобоев, С.Хидиров, Ш.Ўлжаева, Д.Обиджонова, Х.Файзиев, Б.Усмонов, О.Раҳматуллаева каби кўплаб тадқиқотчилар эса ўз изланишларида мавзу билан боғлиқ кўплаб тарихий ва

хуқуқий жиҳатларни очиб беришга муваффақ бўлдилар.

Амир Темур ва Темурийлар тарихи нафақат республикамизда, балки жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан ҳам катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда. Амир Темур ҳақида К.Марлоу 1588 йили тарихий пьеса, машҳур немис бастакори Г.Гендель 1724 йили опера, америкалик адиб Э.По 1827 йили шеърӣ поэма яратган. XX аср тарихшунослигида Р.Гроссе, Л.Керэн, Е.Росе, Х.Хукхем, Ф.Манц, Г.Гломбек, А.Дерага, К.Еноки, Е.Манау, М.Россати ва бошқаларнинг тадқиқот ишлари катта шуҳрат қозонган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 2000 йилга келиб Европа халқлари тилларида Амир Темур ва Темурийлар ҳақида чоп этилган асарлар сони 500 тани ташкил этган. 2006 йили Амир Темурнинг халқаро миқёсда нишонланган 670 йиллик таваллуд ёши арафасида таниқли француз олими Л.Керен Парижда француз тилида “Самарқандга, Амир Темур даврига саёҳат” номли тадқиқотни амалга оширди.

#### **Назорат саволлари:**

1. Ўрта Осиё давлатчилиги масаласига оид қарашлар қачон вужудга келди?
2. Мустақиллик йилларида мавзуга доир тадқиқотларнинг мазмун – моҳиятини таърифлаб беринг.
3. Амир Темур даврида Моварауннаҳрда давлатчилик ривожини таҳлил қилинг.
4. Темурийлар даврида Моварауннаҳр ва Хуросонда давлатчилик ривожини таҳлил қилинг.

### **3-мавзу: Туркистонда хонликлар даври ва Россия империяси мустамлака бошқаруви масалалари.**

#### **Режа:**

1. Сўнгги ўрта асрларда ўзбек хонликлари: маъмурий тузилиши ва давлат бошқаруви масалалари.
2. Туркистонда Россия империяси мустамлака бошқарув тузумининг қарор топиши масалалари.

**Таянч сўзлар:** колоқлик, хурофат, парокандалик, дашт уруғлари, иқтисодий-сиёсий тушкунлик, ҳукмдорлар ўртасидаги ўзаро курашлар, хонликлар бошқарувида ислом мафқураси, Дарвешхон тўра бошчилигидаги халқ ҳаракати, “Вабо исёни”, 1892 йилги Тошкент кўзғолони

### **Сўнгги ўрта асрларда ўзбек хонликлари: маъмурий тузилиши ва давлат бошқаруви масалалари**

XVI- XIX асрлар I – ярми ўзбек хонликлари ҳукмронлиги даври кўп жиҳатдан жаҳон цивилизациясидан узоқлашиш, илм-фан, техника ютуқларидан бебаҳра қолиш, ҳудуднинг кўп ҳолда ўзаро низо ва урушлар домига тортилиши ўлкада колоқлик, хурофат, парокандаликнинг кучайишига олиб келди. Бу давр юқоридаги ҳолатлар билан характерланган бўлиб, уч асрлик даврнинг кўпгина қисмлари эътибор ва таҳлилдан четдан қолди, кўпгина масалалар ўрганилмади, қолоқлик сабаблари таҳлил этилмади ва ҳоказо. Мустақиллик даврига келиб масаланинг муаммовий жиҳатларини ечиш заруриятидан келиб чиққан ҳолда ушбу давр юзасидан ҳам тегишли тадқиқот ишлари амалга оширила бошланди. Хусусан илк бора давлат бошқаруви хонликларнинг Европа ва Шарқ мамлакатлари билан муносабатлари, шаҳарлар тараққиёти, савдо муносабатлари, ҳарбий иш ва ҳарбий санъат тарихи ва бошқа ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт тарихига оид масалалар юзасидан тадқиқот ишлари амалга оширилди, кўплаб тарихий адабиётлар чоп этилди, тарихий манбалар таржима қилинди. Ўрта Осиё халқларининг XVI асрнинг боши – XIX асрнинг биринчи ярми тарихига оид кўпдан кўп ёзма манбалар бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган. Улар аввало, маҳаллий тарихнавислик мактаблари вакилларининг асарлари, қолаверса, Ўрта Осиёга ташриф буюрган элчилар, сайёҳлар, зобитларнинг маълумотларидан иборат. Ушбу манбалар юқоридаги давр тарихи, ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик – маданий ҳаёт ҳамда сиёсий жараёнлар ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Улар орасида қуйидагиларни алоҳида санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир: Бобурнинг “Бобурнома”, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”, Мулла Шодининг “Фатҳнома”, Фазлуллоҳ Рўзбехоннинг “Меҳмонномаи Бухоро”, Зайниддин Восифийнинг “Бадойе ул-вақое”, Хофиз Таниш Бухоронийнинг “Абдулланнома”, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний”, Хожа Самандар Термизийнинг “Дастур ал-мулук”, Мирза Бади девоннинг “Мажма ал-аркам”, Мир Муҳаммад Салимнинг “Силсилат ас-салотин”, Абдурахмон Давлатнинг “Тарихи Абулфайзхоний”, Мулла Вафо Карманайи ва Олимбекнинг “Тухфат ал-хоний”, Абулғозийнинг “Шажараи турк”, Ниёзмуҳаммад Хўқандийнинг “Тарихи Шоҳруҳий”, Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахиб ат-таворих”, Огаҳийнинг “Фирдавс ул-икбол”, Аҳмад Донишнинг “Манғит амирлари тарихи” каби асарлардир.

XVI-XIX асрнинг биринчи ярми тарихига оид манбалар маълумотларини илмий муамалага киритишда кўплаб шарқшунос, тарихчи ва ҳуқуқшунос олимлар тадқиқот ишларини олиб бордилар. Бу йўналишда В.Абдуллаев, А.Арендс, Б.Ахмедов, С.Азимжонова, М.Абдураимов, Я.Ғуломов, У.Каримов, А.Кононов, Н.Малицкий, Р.Муқминова, А.Муҳаммаджонов, Р.Набиев, Т.Неъматов, Н.Норкулов, А.Ўринбоев, А.Зиё, Ҳ.Бобобеков, Ш.Воҳидов, Р.Холиқова, М.Йўлдошев, Ҳ.Бобоев, А.Саидов, З.Муқимов, И.Саидахмедовларнинг тадқиқотлари диққатга сазовордир.

XV аср охирларига келиб, Мовароуннаҳрда Темурийларнинг бир-биридан ўзаро мустақил бўлган учта ҳокимияти вужудга келди: 1. Самарқандда Султон Аҳмад Мирзо ҳукмронлиги (1468—1503); 2. Тошкентда Султон Маҳмуд Мирзо ҳукмронлиги (1468-1498); 3. Андижонда Умаршайх Мирзо ҳукмронлиги (1468-1494). Бу учала давлатнинг ўзаро урушлари Мовароуннаҳр аҳлининг темурийлардан норозилигини янада авж олдирди. Айниқса, юқори табақа вакиллари марказлашган давлат тарафида турдилар. Бу темурийзодаларнинг давлат бошқарувида мустаҳкам таянчга эга эмаслигидан далолат берарди. Бу вақтда темурийлар ҳузурида таълим олган Абулхайрхоннинг невараси Муҳаммад Шоҳбахт Дашти Қипчоқда дашт

уруғларини бирлаштириб, ўз ҳокимиятини мустаҳкамламоқда эди.

Шайбонийхон ҳарбий ҳаракатлар олиб бориб марказлашган давлат тузиш мақсадида гоҳ темурийлар, гоҳ шимолдаги мўғуллар билан иттифок тузди. У 1487-88 йилларда Ўтрор, Сайрам, Ясса (Туркистон), Сигнок шаҳарларини босиб олиб, 1499 йилда Мовароуннаҳр ҳудудларига жиддий ҳарбий ҳаракатлар бошлади.

Маҳаллий ҳукмдорлар ўртасидаги ўзаро курашлар авж олган Самарқанд шаҳрини Шайбонийхон 1500 йилнинг бошларида жангсиз эгаллади. Дашт улуклари бир неча ой шаҳарни шафқатсиз талон-тарож қилдилар. Бу эса маҳаллий феодаллар норозилигига сабаб бўлди. Бундан фойдаланган Темурий шаҳзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўша йили (1500 йил) Самарқанд тахтини иккинчи марта эгаллади. Аммо маҳаллий зодагонлар кўпчилиги Бобурни қўллаб-қувватладилар. 1501 йилнинг баҳорида Бобур Шайбонийхон билан бўлган жангда енгилди ва Самарқандни унга топширади.

Дашти Қипчоқликлар қисқа муддат ичида Бухоро (1500), Самарқанд (1501), Тошкент (1503), Ҳисор (1504), Урганч (1505), Ҳирот (1507) каби шаҳар ва вилоятларни эгаллаб, Шарқий Туркистон чегараларидан Марказий Афғонистон ҳудудларигача чўзилган ерларда марказлашган шайбонийлар давлатига асос солдилар. Темурийлар давлатидаги сиёсий тарқоқлик, айрим ҳукмдорларнинг ажралиб мустақилликка интилиши бу давлатнинг емирилишига олиб келган бўлса, Шайбонийхон бундай тарқоқликка чек қўйиб мамлакатнинг бирлигини мустаҳкамлай олди.

Шайбонийхоннинг жанубга томон юришлари эрон шоҳи Исмоил I томонидан тўхтатилди. 1510 йил Марв атрофларида бўлган жангда дашт қўшинлари тор-мор этилди ва Шайбонийхон ҳалок бўлди. Эронийлар томонидан қўллаб-қувватланган Бобур 1511 йилда Ҳисор, Кўлоб, Қундуз, Бадахшон ва Самарқандни эгаллади. Аммо 1512 йилда шайбонийлардан бўлган Убайдулла Султон қўшинлари ўйждувон яқинида Бобур ва шоҳ Исмоилнинг бирлашган кучларини мағлубиятга учратди. Шундан сўнг Бобур

аввал Қобулда, кейин эса Ҳиндистонда ўз ҳокимиятини ўрнатди. Дашти Қипчоқ қабилалари эса Мовароуннаҳрда ўрнашиб қолдилар.

XV аср охири-XVI аср бошларидаги Дашти Қипчоқ, Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ижтимоий-сиёсий воқеалар тўғрисида ёзилган муаллифи номаълум «Тарихи гузидаи Нусратнома», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Бобурнинг «Бобурнома» асарлари муҳим манбалар ҳисобланади.

Темурийзодалар ўртасидаги ўзаро урушлар, биродарқушликлар нафақат қўйи табақа аҳлининг, балки йирик зодагонларнинг ҳам норозиликларига сабаб бўлди. Натижада Амир Темур асос солган улкан салтанат таназзулга юз тутди ва тугатилди. Темурийлардан кейин ҳокимият тепасига келган шайбонийлар сулоласи даврида ҳам марказий ҳокимият унчалик мустаҳкам эмас эди (бу ўринда Абдуллахон II ҳукмронлиги даври (1583-1598) бирмунча диққатга сазовордир). Бу ҳолат ўша давр Ватанимиз ҳудудларининг парчаланиб, алоҳида давлатларга бўлиниб кетиши ва заифлашуви учун замин яратди.

Ўрта Осиё ҳудудларининг парчаланишга юз тутиши ва унинг сабаблари: Муҳаммад Шайбонийхон вафотидан сўнг Мовароуннаҳр ва Хуросонда марказий ҳокимият заифлашиб, амирлар ва султонлар марказий ҳокимиятга бўйсунмай қўйдилар. Убайдулла Султон 1512 йилда Бухоро ҳукмдори бўлган бўлса, 1534 йилдан бутун марказлашган ўзбек давлатининг Олий ҳукмдори этиб сайланди. Убайдуллахон мамлакат пойтахтини Самарқанддан Бухорога кўчирди. XVI асрнинг 40-йилларига келиб, зодагонлар ва маҳаллий сулолалар ўртасида шаҳарлар ва ҳудудлар учун кураш авж олиб кетди. Самарқанд ҳукмдори Абдулатифхон (1541-1552 йй.) билан Бухоро хони Абдулазизхон (1540-1550 йй.) ўртасидаги курашни Тошкент ва Сирдарё бўйидаги шаҳарларнинг ҳукмдори Бароқхон (Наврўз Аҳмадхон) янада кучайтирди. У ҳатто 1551 йилда Самарқандни босиб олди. Кармана ва Миёнқол ҳукмдори Абдулла Султон Бароқхонга қарши кураш олиб борди ва 1557 йилда Бухорони босиб олди.

1561 йилда тахтга ўтирган Искандархон ҳам сиёсий тарқоқликка барҳам бера олмади. Аммо унинг ўғли Абдуллахон марказлашган шайбонийлар давлатини тиклаш мақсадида амирлар ва султонлар билан аёвсиз кураш олиб борди. Тинимсиз урушлар натижасида Фарғона (1573), Шаҳрисабз, Қарши, Ҳисор вилоятлари (1574), Самарқанд (1578), Тошкент, Шохруҳия, Сайрам, Оҳангарон (1582), Балх (1583), Бадахшон (1584), Ҳирот (1588), Хоразм (1595) Абдуллахон қўл остига бирлаштирилди. Аммо 1598 йилда Абдуллахон II вафотидан сўнг унинг ўғли Абдулмўмин узок муддат тахтни бошқара олмади. Сўнгги Шайбоний ҳукмдори Пирмуҳаммад II ҳам бебош амирларни тийиб қўя олмади.

Юзага келган вазиятдан эрон сафовийлари, Хива иноқлари ва қозоқлар унумли фойдаландилар. Эронийлар Балхни, қозоқ султонлари ўз манфаатлари йўлида Тошкентни эгаллаган бўлса, Хоразм хонлари мустақил бўлиб олдилар. Бухоронинг зодагон гуруҳлари астраханлик Жонибек Султонни тахтга таклиф қилдилар. Жонибек Султон ўғиллари фойдасига тахтдан воз кечди ва шу тариқа Ўрта Осиёда аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги бошланди. Аштархонийлар Балхни эронийлардан, Тошкентни қозоқлардан тортиб олдилар. Аммо кўпгина урушларга қарамай Хоразм ўз мустақиллигини сақлаб қолди.

Айрим аштархоний ҳукмдорлари Имомқулихон (1611-1642 йй.), Абдулазизхон (1645-1680 йй.), Убайдуллахон (1702-1711 йй.) ҳукмронликлари даврида марказий ҳокимиятни кучайтиришга ҳарчанд ҳаракат қилинмасин, бу ҳаракатлар айтарли ижобий натижалар бермади. Маҳаллий амирлар ва султонлар ўз жойлашган шаҳар ва ҳудудларида ҳокимлик қилиб, бу ҳудудларда йирик ер эгалари бўлибгина қолмай, бутунлай хўжайин эдилар. Улардан кўпчилиги ўз гуруҳлари кучига таяниб марказий ҳокимиятга деярли бўйсунмас эдилар. Ҳукмдорлар эса амирлар ва султонларнинг бир-бирлари устига юришларидан кўп фойдаланардилар. Абдулфайзхон ҳукмронлиги даврида (1711-1747 йй.) марказий ҳокимият ўз аҳамиятини йўқотиб борди. Ҳокимият аста-секинлик билан манғит уруғлари



қўлига ўта бошлади. Бу уруғ вакили бўлган Муҳаммад Раҳим 1753 йилда амир унвони билан Бухоро тахтига ўтирди.

Хоразм ҳудудида 1512 йилда мустақил Хива хонлиги вужудга келди. Унга Шайбоний уруғидан бўлган элбарсхон (1512-1525 йй.) асос солди. Элбарс вафотидан кейин Хива хонлари тез-тез алмашиб турган. Ўзаро урушлар ва ҳукмдорларнинг тез-тез алмашиб туриши натижасида бу даврда Хоразм ҳали марказлашган давлат даражасига етмаган эди.

Хон ҳокимияти қабила зодагонлари билан чекланган бўлиб, низолар ва ўзаро урушлар деярли тинмаган. Шу даврда Хоразм чуқур инқироз даврини бошидан кечирди. Савдо-сотиқнинг арзимас даражада эканлиги шаҳар ҳаётини сустривожлантирди. Бу жараён XVI-XVII аср бошларида ҳам давом этди. Аср бошларига оид Хоразм ҳақидаги маълумотларда сиёсий ва иқтисодий таназул таъкидланади. Хусусан, Абдулғозийнинг «Шажараи турк» асарида, Иван Федотов маълумотларида бу ҳолат қайд этилган. Бошқарувда вазир қушбеги билан биргаликда хон маслаҳатчилари, иноқларнинг борлиги маъмурий тузумнинг жуда мураккаблигидан дарак беради. Хўжалик инқироzi ва феодал урушлар Хоразм воҳаси маданиятига ҳам путур етказди. Феодал ўзаро низолар Араб Муҳаммад (1602-1623 йй.) ва унинг даврида энг юқори нуктага етди. Асфандиёр (1623-1643 йй.), Абулғозихон (1643-1663 йй.), Ануша (1663-1687 йй.) лар даврида Бухоро билан Хива ўртасида мамлакат аҳволини хароб қиладиган урушлар бўлиб ўтди.

Аштархонийлар давридаги иқтисодий-сиёсий тушкунлик Бухоро хонлигини парчаланишига олиб келди. Бу даврда Фарғона хонлиқдан алоҳида ўлка сифатида ажралиб чиқди. 1710 йилда минглар сулоласидан бўлган Шохруҳбий Фарғонада ҳокимиятни ўз қўлига олди. Минглар сулоласи кейинчалик Сирдарё ҳавзасини, еттисувнинг бир қисмини эгаллади. Бу давлатнинг пойтахти Кўкон шаҳри бўлиб қолди.

XVIII аср бошларида Бухородан Балх, Хоразм, иккинчи ярмида Тошкент мустақил давлат сифатида ажралиб чиқдилар. Ички келишмовчилик,

низолар ва сиёсий парокандалик мамлакатдаги бўлиниб кетишнинг асосий сабаби бўлди. 1722 йилдаги Ражабхон қўзғолони Бухоро хонлигини ларзага солди. Абулфайзхон (1710-1747) даврида Бухоро хонлиги шу даражада парокандачиликни бошидан кечирдики, эрон шоҳи Нодиршоҳ 1710 йилда Бухорони, кейин Хоразмни босиб олди. Бухороликлар ва хоразмликларни эронийлар талаб, хонавайрон қилдилар. 1747 йилда Нодиршоҳ вафотидан кейин Абулфайзхон ҳам ўлдирилди.

Учта хонлик бошқарув тизимида феодал муносабатлар асос қилиб олинган эди. Хонликлар ҳудудида ер эгалигининг учта тури: давлат ерлари, хусусий ерлар, вақф ерлари мавжуд эди.

Хонликлар аҳолиси асосан деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик билан шуғулланар эдилар. Асосий солиқ турлари хирож, закот бўлиб, шу билан бирга турли мажбуриятлар мавжуд эди. Булар Хива хонлигида бегар, қазув, мушрифона ва бошқалар бўлса, Бухоро амирлигида уруш пайтда олинадиган фавқулодда солиқ-жул, сув ҳақи, нимсара ва бошқалар, Қўқон хонлигида эса ҳашар, ҳарбий хизмат мажбуриятлари бор эди.

Хонликлар бошқарувида ислом мафкуриси асосий ўринни эгаллаган бўлиб, диний мутаассиблик мамлакат тараққиётига салбий таъсир кўрсатар эди. Айниқса, хонликлар ичидаги этник гуруҳбозлик фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришига тўсиқ бўлар эди. Ундан ташқари турли уруғ вакиллари давлат бошқарувида юқори мавқега эга бўлиш учун бошқа уруғ вакилларига қарши зимдан ва очикчасига кураш олиб бориб, сиёсий беқарорликни келтириб чиқарар эдилар. Буни Хива хонлигидаги XVIII аср воқеаларида яққол кўришимиз мумкин. Бу даврда Хивада турли уруғ вакилларидан хонлар кўтарилди.

Бу хонларнинг алмашиши халқ учун катта кулфатлар келтирар эди. XVII аср охирларига келиб, Хива хонлигида қўнғиротларнинг мавқеи оша борди ва 1804 йилда улар Хива хонлиги тахтини эгаллаб, 1920 йилгача бу хонликда ҳукмронлик қилишди. Қўқон хонлигида ҳукмронлик қилишган

минглар сулоласи ўзларининг ташқи истилочилик урушлари ва ўзаро сулолавий курашлари билан хонлик аҳолисининг ижтимоий, иқтисодий аҳволини янада оғирлаштирди. Айниқса, Худоёрхон даврида талончилик урушлари ва солинган кўплаб солиқлар халқнинг кўплаб норозилигига сабаб бўлди, натижада Худоёрхон икки маротаба тахтдан ҳайдалиб, яна тахтни эгаллади. Минглар сулоласи Қўқонда 1710 йилдан 1876 йилгача ҳукмронлик қилишди.

XVIII асрнинг биринчи ярмида битта иқтисодий ҳудуддаги бир элат, бир халқнинг учта мустақил, сиёсий хонликка ажралиб кетиши, бу ҳудудда яшаётган халқларнинг бошига жуда оғир кулфатларни келтирди. Хонликлар ичидаги сулолавий ва ўзаро урушлари халқнинг оғир аҳволини янада оғирлаштирди. Хиваликларнинг туркман уруғларига қарши уюштирадиган мавсумий талончилик юришлари, Бухоро амирлигининг Китоб ва Шаҳрисабз бекликларига қарши олиб борган доимий урушлари, Қўқон хонлигининг Тошкент ва Хўжанд учун Бухоро амирига қарши курашлари битта халқнинг парчаланишига, ўзаро маданий, савдо алоқаларининг узилиб қолишига сабаб бўлди. Хонликлар ҳудудидаги халқ норозилик ҳаракатлари шафқатсизлик билан бостирилди, ҳар қандай илғор фикр, янгилик диний мутаассибларнинг таъқибига учрар эди. Бу пайтда нафақат бошқа ҳудудлар билан ҳатто Қўқон, Хива, Бухородаги маданий марказларнинг ҳам ўзаро алоқаси йўқ эди. Бу ўз навбатида Ўрта Осиё илм-фанини турғунликка, ҳатто таназзулга олиб келди. Табиий фанларга эътибор умуман йўқолди. Ўрта Осиё халқлари европа фан техника тараққиётидан беҳабар бўлиб, орқада қолиб кетди.

Россия билан ўрнатилган савдо алоқалари асосан бир гуруҳ бойлар қўлида бўлиб, улар маданий алоқаларга, фан-техника тараққиётини кириб келишига айтарли таъсир кўрсатмади ва ўлкадаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазият чор Россиясининг ўз агрессив мақсадлари учун шароит яратиб берди. Натижада Россия Ўрта Осиёни осонлик билан босиб олди.

**Туркистонда Россия империяси мустамлака бошқарув тузумининг қарор топиши масалалари.**

XIX аср II- ярми – XX аср бошлари Россия империяси мустамлакаси бўлмиш – Туркистон ўлкаси тарихида ҳам маълум бўшлиқ, сохталаштирилган саҳифалар мавжуд бўлган. Мустақиллик йилларида куйидаги масалалар илк бора ўрганилиб, кенг илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилди: ўлкада рўй берган миллий-озодлик ҳаракатлари ва уларнинг йўлбошчилари фаолияти, жади́дчилик ҳаракати, жади́д маърифатпарварларининг зиё тарқатиш йўлидаги жонбозлиги, саъй-ҳаракатлари, аграр соҳада пахта яккаҳоқимлигининг жорий этилиши, мустамлака маъмуриятининг ҳарбий-зўравонлик бошқаруви ва унинг оқибатлари, таълим тизими, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган Россия империянинг Туркистон ўлкасига уюштирган босқинчилик юришлари, мустамлакачилик сиёсати, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, миллий-озодлик ҳаракатлари, умуман, империя босқинининг мақсад-моҳияти ва оқибатлари ҳақидаги манбалар – кўлёзма асарлар, эсдаликлар, хотиралар, ҳужжатлар ва архив маълумотлари мажмуи кўпчиликни ташкил этади. Афсуски, совет ҳукмронлиги даврида уларнинг барчаси бир ёқлама тадқиқ этилиб, масаланинг моҳиятига ҳолисона баҳо берилмади.

Мавзу бўйича кўплаб тарихий асарлар мавжуд бўлиб, уларнинг орасида куйидагилар: Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд», Мирзо Абдулазим Сомийнинг «Тарихи салотин манғития», Муҳаммад Аттор Хўқандийнинг «Тарихи жаҳоннамойи», Ибратнинг «Фарғона тарихи», Юсуф Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий», Ҳаким Маъсумхоннинг «Мунтахиб ут-таворих», Муҳаммад Содик Муншийнинг «Кўқон хонлиги тарихи», «Тарихи Манзум», Азиз Марғилонийнинг «Тарихи Азизий», Аҳмад Донишнинг «Манғит амирлари тарихи», Муҳаммад Фозилбекнинг «Мукаммали тарихи Фарғона» ва ҳоказолар муҳим ўрин эгаллайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти жамғармасида ҳам мавзунинг у ёки бу томонларини ёритувчи манбалар туркуми сақланади. Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви жамғармаларида сақланаётган турли ҳужжатлар, XIX асрнинг

иккинчи ярми – XX аср бошларида чоп этилган матбуот нашрлари мавзу ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Таъкидлаш жоизки, ўтган асрнинг 20-йилларида Г.И.Сафаров, П.Г.Галузо, А.З.Валидий ва бошқа шу каби муаллифларнинг тадқиқотларида Россия империяси мустамлакачилик сиёсатининг туб моҳияти ўз аксини топган эди.

Ушбу мавзунинг тадқиқ этиш, ўрганиш XX асрнинг 20-йилларидан бошланган бўлишига қарамай, мустақиллик йилларида Россия империясининг Туркистон ўлкасини босиб олиши ҳамда ўлкада олиб борилган мустамлакачилик сиёсат илмий ва ҳаққоний тарзда ёритилмоқда. Ушбу мавзунинг турли жиҳатлари бўйича Ҳ.Зиёев, Н.Абдурахимова, Ф.Исҳоқов, Ҳ.Содиқов, Ф.Эргашев, Р.Шамсутдинов, Ҳ.Бобобеков, Д.Зиёева, П.Равшанов, Қ.Усмонов, З.Чориев, Ш.Воҳидов, Н.Мусаев каби кўплаб олимларнинг тадқиқотлари катта аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида мустамлака Туркистон ўлкаси, империя қарамлигидаги Бухоро, Хива хонликларида рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, иқтисодий ва маданий ҳаёт тарихининг ўрганилмаган ёки кам тадқиқ этилган мавзуларига ойдинлик киритилди, жадидчилик ҳаракати, атоқли жадид маърифатпарварларининг фаолияти хусусида, ўлкада рўй берган миллий-озодлик ҳаракатлари тўғрисида қатор илмий изланишлар амалга оширилди ва ҳоказо.

XIX-аср охирлари XX-аср бошларидаги Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги тарихи, ички сиёсат ва Россия империяси билан муносабатлар, мустамлака маъмуриятнинг кўчириш сиёсати, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёт бобидаги бошқа турли масалалар. Юқорида қайд қилинган масалалар кўплаб номзодлик ва докторлик диссертацияларига тадқиқот объекти сифатида танлаб олиниб, фанда ўз ечимини топган мавзулар сирасига кирган. Шунингдек, кўплаб анжуман, чиқишларда, чоп этилган монография, ўқув адабиётларида ҳам ушбу масала ёритиб берилган.

Туркистон ўлкасида империя маъмурларининг мустамлака сиёсатига қарши ҳаракатлар (турли кўриниш ва миқёсларда) Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олаётган пайтлардаёқ бошланган бўлиб, улар шафқатсизларча бостирилиб борилди. 1873-1876 йиллар Қўқон хонлигидаги Пўлатхон бошчилигидаги қўзғолондан сўнг ўлканинг бир қанча ҳудудларида халқ оммасининг норозилик ҳаракатлари бўлиб ўтди.

Россия империяси босқинига қарши ҳозирги Ўзбекистон ва Қирғизистон республикаларининг тоғли ҳудудларида “Олой маликаси” номи билан машҳур бўлган Қурбонжон додхох 1876 йилнинг охирига қадар босқинчиларга қарши курашиб келган. Унинг қўшинларига қарши юборилган генерал Скобелев бошлиқ рус қўшинлари қўзғолончиларга қарши ҳаракатларда енгилганлиги боис, мустамлакачи маъмурлар Қурбонжон додхох билан сулҳ тузишга мажбур бўлдилар. Ана шундай ҳаракатлардан яна бири 1878 йилда Мингтепа (Андижон) да Етимхон бошчилигида бўлиб ўтган исёнди. Бу исёндан сўнг Фарғона вилояти генерал-губернатори вилоятдаги маҳаллий аҳолидан ғайриқонуний солиқ ундирувчиларни ишдан олиб ташлашга мажбур бўлган. 1885-90 йилларда Андижоннинг Қўрғонтепа уездида Дарвешхон тўра бошчилигидаги халқ ҳаракатлари бўлиб ўтди. Аммо, бу ҳаракатлар рус маъмурлари томонидан шафқатсизларча бостирилди.

“Вабо исёни” номини олган 1892 йилги Тошкент қўзғолони XIX аср охиридаги муҳим ҳаракатлардан бири бўлди. Бу қўзғолон кўплаб тарихий адабиётларда ўлкада вабо касали тарқалиши олдини олиш учун бўлган ҳаракат деб таърифланган бўлса-да, аслида бу қўзғолон Россия империясининг ўлкадаги мустамлакачилик сиёсатига қарши қаратилган ҳаракат бўлиб, мустамлакачилик зулмига қарши қаратилган миллий озодлик курашининг бир босқичи эди.

1892 йилнинг ёзида Туркистон маркази Тошкентда ҳам рус мустамлакачи маъмуриятини талвасага солган ва тарихга «Вабо исёни» ёки «Тошотар воқеаси» сифатида кирган қўзғолон бошланди. Расмий доиралар

бу кўзғолон вабога қарши рус амалдорлари қўллаган тадбирлардан норозилик туфайли келиб чиққан, деб изоҳлашга уриндилар. Шунинг учун ҳам уни «Вабо исёни» деб номлашди. 1892 йил май ойида Жиззахда вабо билан оғриган кишилар хақидаги хабар бутун ўлкага тарқалди ва Сирдарё вилоятига ўтадиган кечув олдида эҳтиёт юзасидан кузатиш бекати ташкил қилинди. Июнь ойида Тошкентда ҳам вабо тарқалгани маълум бўлди. Янги шаҳарда 417, эски шаҳарда 1462 бемор аниқланди. 1892 йил 7 июнда шаҳар маъмурияти 12 эски қабристонни ёпиб, янги 4 қабристон очилишини, шаҳардан чиқиш чекланганини эълон қилди. Аммо мустамлака маъмурияти тиббиёт нуқтаи назаридан тўғри бўлган бу тадбирларни ўтказишда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормади, мусулмончилик одатлари, маросим қонун-қоидаларини ҳисобга олмади. Ваъда қилинган 4 та янги қабристон ўрнига фақат биттаси очилди. Марҳумларни урф-одатга кўра кўмиш ғоят мушкул юмушга айланди. Одамлар ноилож ўликни эски қабристонларга олиб бориб кўмишга мажбур бўлдилар. Полиция бундайларни топиб ҳибсга ола бошлади. Қабрларни очиб, ўлганларнинг руҳи ҳақорат қилинди. Ҳалойиқ бош оқсоқолни қидириб кетди. Эшонлардан Азизёр, Абулқосимхўжа, бозор оқсоқоли Зиёмуҳаммад ва бошқа таниқли кишилар бошчилигидаги мингга яқин киши шаҳар бошлиғи маҳкамаси томон йўл олдилар. Уларга Ўрда бозори яқинидаги Воронцов кўчасида ҳоким тўра - шаҳар бошлиғи полковник С.Р.Путинцев ва оқсоқол Муҳаммад Ёқуб тўқнаш келишди. Қиличини ўйнатиб келган оқсоқол халқнинг сўзлари, арз-додини тинглаш ўрнига унга дағдаға қилабошлади. Ана шунда унинг бошига тошлар ёғилди. Машхур “Тошотар воқеаси” бошланиб кетди. Оқсоқол отдан тушиб ҳокимнинг идорасига қочиб яширинди. Полковник Путинцев эса ўзининг содиққулини паноҳига олиб, халқни тинчителишга уринди. Халқ ундан оқсоқолни тутиб беришни талаб қилди. Путинцев ҳам музокара ўрнига куч ишлатишни афзал кўриб, чиқариб, дағдағага ўтди. Сабр қосаси тўлган халқ узоқўйлаб ўтирмай, ҳокимга хужум бошлади. Путинцев ва унинг миршабларини дўппослади, маҳкамани ҳам остин-устин қилди.

Қуролланган солдатларнинг етиб келгани ҳам қўзғолончиларни чўчитмади. Мустамлакачи амалдорлар халқни ўққа тутдилар. Натижада кўплаб кишилар халок бўлди ва яраланди. Таъкидлаш жоизки, ўлганлар ва ярадорларнинг миқдори ҳақида аниқ маълумотлар сақланмаган. Чунки халқнинг ўзи жасадлар ва ярадорларни ўзлари билан олиб кетишди. Қўлга олинган 60 кишидан 8 киши ўлим жазосига, қолганлари қамоқ ва сургунга ҳукм қилинди.

### **Назорат саволлари:**

1. Ички келишмовчилик, низолар ва сиёсий парокандалик мамлакатдаги бўлиниб кетишнинг асосий сабаби эканлигини изоҳланг.
2. Тарихга «Вабо исёни» ёки «Тошотар воқеаси» сифатида кирган қўзғолон ҳақида мулоҳаза билдиринг.
3. Мустақиллик йилларида Россия империясининг Туркистон ўлкасини босиб олиши мавзусидаги тадқиқотларни сананг.
4. Россия империяси мустамлакачилик сиёсатининг туб моҳиятини таҳлил қилинг.

### **4-мавзу: Ўзбекистонда давлат бошқарувининг шаклланиши ва ривожланиб бориши.**

#### **Режа:**

1. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимининг шаклланиши ва ривожланиб бориши.
2. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида Президентлик институти ўрни ва роли.

**Таянч сўзлар:** эркин фуқаролик жамияти, “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси, Самарқанд маданият ва тарихий ёдгорликларни таъмирлаш устахонаси, Республика инновация ғоялари, технологиялари ва лойиҳалари ярмаркаси.



## **Ўзбекистонда давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимининг шаклланиши ва ривожланиб бориши**

Ҳар қандай жамият тараққиёти, унинг у ёки бу замон ва макондаги даражаси кўп жиҳатдан фуқаролар маънавияти, турмуш тарзи, кишиларнинг маънавий-моддий, ижтимоий эҳтиёжлари ҳамда уларнинг қай даражада кондирилишига боғлиқ. Мустақиллик давригача ва ундан кейинги ўтган тарихан қисқа муддат ичида рўй берган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва тарбиявий–мафкуравий соҳадаги ўзгаришлар бизга совет мустабид тузуми ҳамда истиқол йилларида Ўзбекистоннинг реал ҳаётида ҳолисона жавоб излаш ва унга эришишга имкон беради.

Ўзбек миллий давлатчилик тарихи, энг аввало, маънавиятнинг жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллаганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу азалий анъанага мустақиллик йилларида ҳам алоҳида эътибор берилиши муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлаш жоизки, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ маданиятнинг методологияси ўзгарди. Агарда шўролар мустабид тузуми даврида маданиятнинг асосий вазифаси жамият аъзоларининг коммунистик мафкура ва сохта ғояга эътиқодини мустаҳкамлашга сафарбар этиш бўлса, истиқлол даврида у тамомила бошқа мақсадга хизмат қила бошлади.

Бу омиллар энг аввало, мамлакат ҳукуматининг маънавий-маърифий омилларга нисбатан муносабати шаклланди. Жумладан, маърифий-маънавий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши, деб белгиланди. Жойларда маънавият билан боғлиқ тадбирларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулият ҳокимлар, вазирликлар, идоралар, ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари зиммасига юклатилиши жуда катта ижтимоий аҳамият касб этди.

Иккинчидан, маънавияти юксак миллат ва давлатгина келажаги буюк бўлиши мумкин эканлиги тўғрисидаги ижтимоий фикр шакллана бошлади.

Учинчидан, маънавият ва маърифат жамиятни соғломлаштирувчи куч эканлиги эътироф этилди, зеро, совет мустабид тузуми давридан қолган “маънавий” меросдан халос бўлмай туриб, истиқлолга хизмат қиладиган,

фуқаролар қалби ва онгини янгилашга қодир маънавиятни шакллантириш мумкин эмас.

Тўртинчидан, истиқлол даври Ўзбекистон жамияти маънавиятининг энг муқаддас мақсадларидан бири-ўтмиш тарихий-маданий, илмий, ахлоқий-мафкуравий, ижтимоий-сиёсий қадриятларига советлар даврида таркиб топган муносабат каби “иллат” сифатида эмас, аксинча, жамиятни поклантирувчи ва келажакни маънавий жиҳатдан мустаҳкамловчи омил деб қарашдан иборат жамоатчилик фикри шаклланди.

Бешинчидан, истиқлол даврида маънавиятнинг ҳар қандай сиёсий ҳукмрон мафкуралардан холилиги, муҳими, шаклланаётган миллий мафкуранинг маънавият билан уйғунлиги таъминланди. Ҳақиқатдан ҳам, мустақиллик йилларида маънавият ва маърифатнинг ижтимоий мақсади аниқлаб олинди. Унинг бажарилиши лозим бўлган вазифалари белгиланди. Ана шундай шароитда жамият фуқаролари томонидан билдирилган ижтимоий эҳтиёж - маънавий-маърифий соҳаларда янги аср ва умуман, учинчи мингйилликдаги бош ғоя қандай бўлиши аниқланди.

Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистонда маънавият соҳасида мавжуд бўлган вазифалар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик шароитида муттасил равишда бажариб келинмоқда. Чунончи, истиқлолнинг дастлабки йилларида жамият маънавий ҳаётидаги энг бош вазифа - фуқароларда совет даврига хос тафаккурни, эскича фикрлаш сарқитларини бартараф этиш эди. Мазкур масалада қатор ютуқларга эришилди. Бироқ, бу борада талай ишларни бажариш лозим.

Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичидаги энг муҳим вазифа эса - эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, зеро “озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айти замонда ўз шахий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999. 19-бет

Истиқлол йилларидаги Ўзбекистон маданияти хусусида фикр юритганда алоҳида қайд этилиши лозим бўлган масалалардан яна бири – маънавият соҳасидаги сиёсатнинг тобора конкретлашиб бориши, вазифаларни ҳал этиш йўлларининг оидинлашувидир. Маънавият жамият аъзоларини руҳан поклантирувчи, маънан юксалтирувчи, инсон ички дунёсига, иродасига кучкуват берувчи, миллий виждонини уйғотувчи ва доимий ҳаракатдаги конкрет кучдир. Шундай экан, маънавиятга умумий тарзда муносабатда бўлиш хатодир. Зеро, ҳар бир фуқаронинг маънавий-мафкуравий комиллик даражаси бир хил бўлмагани каби, уларнинг бундай сифатларини уйғунлаштириб турувчи кўринишлари ҳам конкретдир.

Янги аср бўсағасида маънавият соҳасидаги стратегик мақсадимиз – “миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошланган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдир”<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, истиқлолнинг ҳозирги босқичида маънавий-маърифий соҳадаги ишларни ташкил этишда энди уларнинг самарадорлигига эришиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хўш, маънавият соҳасидаги ишларнинг самарадорлигига эришиш деганда нимани тушуниш мумкин? Умуман, маданий-мафкуравий соҳадаги ишларимиз жамиятни маънавий юксалтиришга қодирми?

Шу ўринда, қурилаётган демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар жамият юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларга таяниши, бу жараён эса миллий ғоя ва миллий мафкурага, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга асосланишини алоҳида қайд этиш зарур.

Агар истиқлолнинг дастлабки йилларида маънавий-маърифий тадбирлардан кўзланган мақсад совет мустабид тизими асосратларидан қутулиш, жамиятда маънавий яқдилликни яратишдан иборат бўлган

<sup>2</sup>Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2000. - 24-бет

бўлса, энди ижтимоий ҳамкорлик, комил инсонни тарбиялаш устувор вазифага айланмоқда. Маънавиятнинг мамлакатда демократик, ҳуқуқий, қудратли давлат қуриш йўлидаги муҳим омил эканлиги энди ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт босқичида маънавий омиллар ҳамда миллатлараро муносабатлар масаласига қараш ҳам тубдан ўзгарди. Чунончи, истиқлолнинг дастлабки йилларида “сохта байналмилаллик” олдида юрак олдириб қўйган ҳамда ҳадиксираш касалидан холи бўлмаган ҳолда, ҳар қандай миллийликни улуғлаш ва ҳар қандай “байналмилаллик”дан қочиш ҳиссиёти юзага келган эди. Бундай бирёқламалик, табиийки, жамият ижтимоий тараққиётига, айниқса, миллатлараро муносабатлар масаласига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳукумати миллийлик ва байналмилаллик нисбатини сақлашга муҳим вазифа сифатида муносабатда бўла бошлади. Айни пайтда, 130 га яқин миллат ва элат яшаётган Ўзбекистонда ҳар бир миллат равнақи, унинг барқарор тараққиёти, хавфсизлиги ва яшаш кафолатларига ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш, у ёки бу миллатга мансуб кишилар гуруҳининг худбинлик кайфиятини чегаралаб қўядиган давлат сиёсатининг ишлаб чиқилиши бу борадаги амалий ишларнинг самарасини оширади.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган кўп миллатли халқларнинг маданий тараққиёти, уларнинг ўзликларини англаш жараёнига бўлган интилишларини қонуний-ҳуқуқий асосда қондириш масалалари ҳам мамлакат ҳукумати олдидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлди. Шу ўринда, 1989 йили Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳузуридаги республика миллатлараро маданий марказнинг ташкил этилишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Истиқлол йилларида маънавий-маърифий масалаларга жиддий эътибор ҳукумат томонидан бу борада мукамал тарзда ишлаб чиқилган дастур асосида иш олиб боришни талаб этди. Шу асосда 1994 йил 23 апрелда

мамлакатимиз маънавий ҳаётида муҳим воқеа юз берди. Республика Маънавият ва Маърифат жамоатчилиқ маркази ташкил этилди.

Маълумки, собиқ Иттифоқ тугатилиши билан бирга, унинг коммунистик мафкураси ҳам барҳам топди. Бу яккахоқимлик мафкуранинг аччиқ сабоқларидан хулоса чиқариб, мамлакатимизнинг Асосий Қонунида “Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси бўлишига йўл қўйилмайди”, деб ёзиб қўйилган. Шу тариқа, жамиятимиз ҳеч қачон мафкура яккахоқимлиги рўй бермаслиги учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдевор яратилди.

Маънавият ва маърифат маркази қисқа давр ичида халқимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида мам-лакат ва миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни юзага чиқариш бўйича йирик ишларни амалга оширди. Шу билан бирга, маънавият ва маърифат масалаларини бевосита жамоатчилиқ йўли билан ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши ўз самарасини берди. Ушбу йўналишдаги фаолиятни янада ривожлантириш мақсадида 1996 йил 9 сентябрда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг “Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармони жамиятни маънавий барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Унда мазкур масалада жиддий ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, айрим ҳолларда маънавият моҳиятини, унинг олға силжиши, фаровон, тезкор ҳаёти-миздаги қимматини чуқур идрок этмаслик кўринишлари мавжудлиги, бу ишга дахлдор раҳбарларда масъуллик ҳислари паст эканлигига эътибор қаратилди.

Фармонга асосан, 1997 йилдан бошлаб 1 октябрь - “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни” деб эълон қилинди, “Маънавият” нашриёти ташкил этилди, “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиқ маркази қошида “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси таъсис этилди.

Бу борадаги ишларни тартибга келтириш, фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 1999 йил 3 сентябрда “Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-

қувватлаш тўғрисида”ги Фармони чиқди. Ушбу Фармон маънавий ва маърифат давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги тўғрисидаги ғояни янада мустаҳкамлади ва унга янада куч берди. Ҳукумат томонидан кўтарилган тадбирлар самараси натижасида маънавий ва маърифат жамиятда руҳий покланишга, шахс улуғворлигини оширишга, демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар давлат қуришга мустаҳкам пойдевор яратилди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон ҳукумати миллий маданиятни ривожлантириш, айниқса, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берди. Маълумки, мамлакатимиз жаҳон цивилизациясининг муҳим ўчоқларидан бири сифатида кўплаб тарихий-маданий, меъморий ёдгорликларга жуда бой. Бироқ собиқ иттифоқ даврида уларни сақлаш, таъмирлаш жуда ўлда-жўлда эди. Истиқлол эса ана шу обидаларни сақлаш, уларни келгуси авлодга бутунича етказиш имконини берди. Агар собиқ советлар даврида 6700 дан ортиқ маданият ва тарих ёдгорликларини таъмирлаш, тиклаш ишларига 1989 йилда 10,2 млн. сўм, 1990 йилда 12,4 млн. сўм ажратилган бўлса, мустақилликнинг дастлабки йилида-1992 йилда республика бюджетидан бу мақсадда ажратилган маблағлар 65,4 млн. сўмни ташкил этди. Жумладан, 1991-1997 йиллар давомида Самарқанд маданият ва тарихий ёдгорликларни таъмирлаш устахонаси томонидан бажарилган ишлар ҳажми 20 баробар, Шаҳрисабз устахонаси бажарган ишлар ҳажми 23 мартага ошди.

1997 йилда Бухорода 366 млн. сўм, Хивада 185 млн. сўм ҳажмидаги, Амир Темури номи билан боғлиқ қадамжоларни таъмирлаш ишларининг иккинчи босқичи бўйича 250 млн. сўм ҳажмидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилди. Агар 1999 йилда ушбу мақсадлар учун 700 млн. сўм ажратилган бўлса, бу рақам 2000 йилда 750 млн. сўмга етди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 октябрдаги “Ўзбекистон театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори мамлакатимиз маънавий маданияти ривожига катта аҳамиятга молик бўлди. Унинг натижасида 5000 дан ортиқ маданият ва санъат ходимларининг яшаш шароитини яхшилаш имкони

туғилди. Барча театр ва муסיқа муассасалари ижодий ходимларининг ўртача иш ҳақи 30-35 фоиз га оширилди.

Мамлакат биринчи Президентининг “Биз халқни номи билан эмас, балки мадания-ти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томирагача назар ташлаймиз”<sup>3</sup>, деган фикрларида жуда катта мантиқ ва маъно бор. Бирок советлар мустабид тузуми шароитида ўзбек миллий маданияти ҳаддан ортиқ даражада кўп зарар кўрди. Барча мустамлакачилар каби коммунистик мафкура маддоҳлари ҳам ўзбек халқини кул қилиш учун, энг аввало, шу халқнинг миллий маданиятини йўқ қилишга зўр бердилар.

Ўзбек халқи катта йўқотишларга қарамасдан, ўзлигини, ўз миллий маданиятини сақлаб қола билди. Бунга узоқ ва яқин тарих гувоҳ. Эндиги вазифа маънавий ҳаётдаги барча йўқотишларнинг ўрнини қоплашдан иборат бўлди. Ўзбек халқи ана шу йўлдан борди, ўз миллий тарихий, маданий меросига содиқ-лигини кўрсата билди. Бу эса мустамлакачилар даврида йўқотилган, топталган маданий меросни тиклаш, ўзлигини англашга бўлган рағбатни уйғотди.

Истиклол йилларида ўзбек маданий ҳаёти уйғонди, жонланди ва ўзининг бутун бўй-бастини кўрсата олди. Маданий алоқалар кенгайди, маданий-маърифий муассасалар фаолияти такомиллашди, музейларнинг ижтимоий-маърифий аҳамияти ошди, миллий адабиёт равнақ топди.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 36 та драматик, муסיқали драма ва комедия, опера ва балет, кўғирчоқ театрлари ана шундай вазифаларни бажардилар. 1998 йил 26 мартда Ўзбекистон биринчи Президенти И. Каримовнинг “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Унга биноан томоша санъатининг кўп асрлик анъаналарини ўрганиш, бойитиш ва тарғиб қилиш, театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий негизини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотларни амалга оширишда театр арбобларининг фаол иштирокини таъминлаш, бадиий-

<sup>3</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Шарқ. 1998. 18-бет.

замонавий сахнабоп асарлар яратиш мақсадида Маданият ишлари вазирлиги тизимида “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди.

Умуман, сўнгги вақтларда республика театрларида ҳар йили 130 дан ортиқ мавзу ва жанрларда спектакллар сахналаштирилди. Ҳамза номидаги театрда “Пири коинот”, Фарғона вилояти Ю.Шакаржонов номидаги мусикали драма театрида “Имом Бухорий”, Андижон вилояти Й.Охунбобоев номидаги мусикали драма театрида “Алпомишнинг қайтиши”, Хоразм вилояти Огаҳий номидаги мусикали драма театрида “Жалолиддин Мангуберди” каби асарларнинг сахналаштирилиши ўзбек миллий сахна санъатининг ривожланишига маълум ҳисса бўлиб қўшилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда маънавий барқарорликни таъминлашда миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкурага нисбатан ижтимоий муносабатнинг тубдан ўзгариши жуда катта ижобий таъсир кўрсатди. Дарҳақиқат, ҳозирги шароитда миллий мафкура ва миллий истиқлол ғояси тўғрисида бизнинг билим ва тасаввуримиз тубдан ўзгарди.

Мамлакат ижтимоий тараққиётининг ҳозирги босқичида маданият ва миллий истиқлол ғояси мафкураси ўртасидаги ўзаро алоқадорлик тобора ортиб борди. Бир томондан, жамият ижтимоий-маданий, сиёсий барқарорлигини таъминлашда миллий истиқлол ғояси ва мафкура роли тобора ортиб боргани каби, бошқа томондан, мазкур қадриятлар ижтимоий аҳамиятини кенг тарғиб этишда маданият муассасаларининг ўрни янада кучди.

Дарҳақиқат, маданият муассасалари “мафкурани шакллантириш ва халқимиз онгига сингдиришда катта имкониятларга эга. Бунда кутубхона, театр, клублар, маданият уйлари ва саройлари, истироҳат боғлари, музейлар ва бошқа муассасалар аҳамиятидан кенг фойдаланиш, кишилар дунёқарашини юксалтирадиган, руҳий-маънавий озиқ берадиган тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга” алоҳида аҳамият берди.

Таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида замон, ҳаёт талабига биноан маънавий-маърифий ишларни янги давр талаби ва манфаатларига мос такомил-лашган тизими шакллантирилди. Бунда таълим тизими, музейлар,



маданият уйлари ва саройлари, ахборот-ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғ-лари оммавий маданият муассасалари сифатида аҳолига маънавий-маърифий хизмат кўрсатди. Замоннинг ва кун тартибида турган вазифаларнинг мазмуни ўзгара бошлади. 1994 йилда ташкил этилган Республика “Маънавият ва маъри-фат маркази” 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарор асосида янги мазмунга эга бўлди. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолияти ҳамда унинг таркибий тизими қайта кўриб чиқилди.

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишида фаолият олиб борадиган ва давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилган “Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази” ташкил этилди. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг амалий тарғибот йўналишида фаолият олиб борадиган Республика Маънавият тарғибот маркази шакллантирилди. Барча вилоятларда ҳокимларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилди. Республикада маҳалла оқсоқоллари ва фуқаролар йиғинлари раисларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича мас-лаҳатчилари тизими шакллантирилди. Маънавий-маърифий ишларни ривож-лантириш ва самарадорлигини ошириш борасида бир қатор ижобий чора-тад-бирлар амалга оширилди.

Маънавият-маърифатга эътибор, ижтимоий соҳани ривожлантириш орқали инсон омилини юксакликка кўтариш “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”<sup>4</sup> (2010 йил 12 ноябр)да ҳам ўз аксини топди.

Шундай қилиб, мустақиллик Ўзбекистон маънавий ҳаётини барқарорлаштириш учун замин яратди, маънавий-маърифий ҳодисаларга муносабатни ўзгартирди. Истиқлол туфайли маънавий турмушимиздаги кўплаб муаммолар ҳал этила бошлади. Курилаётган демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар жамият, бозор муносабатига ўтиш, жаҳон ҳамжамияти билан

<sup>4</sup>Каримов.И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: 2010. – 4-бет.

мафкуравий тазйиқларсиз ўзаро ҳамкорлик қилиш имконияти Ўзбекистон маданиятини юксалтирди. Ўзбекистон, ўзбек халқининг дунёда ўзига хос ва мос ўрни борлиги, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо хиссасининг эътироф этилиши туфайли маънавий ҳаётнинг гуллаб-яшнаши учун мустақкам замин яратилди.

### **Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида**

#### **Президентлик институти ўрни ва роли**

Ўзбекистонда илм-фанни, хусусан, уни олий таълим тизимида ривожлантириш йўлида қатор концептуал камчиликлар, қийинчиликлар мавжуд эди. Биринчидан, СССР томонидан миллий республикаларда илм-фаннинг барча соҳаларини ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаат йўқ эди, зеро, бу нарса миллий кадрларнинг шаклланишига, пировард натижада миллий ўзликни англаш жараёнига таъсир этар эди. Иккинчидан, собиқ марказ миллий республикаларда асосан хом ашё соҳасини ривожлантиришга, асосан қишлоқ хўжалигида зарур бўлган илмий ишланмаларни тадқиқ этишга эътиборни қаратди. Учинчидан, олий таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар асосан “ижтимоий буюртма” асосида “ривожланди”.

1990 йилда Ўзбекистон бўйича 44та олий таълим муассасаси фаолият кўрсатган бўлса, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, уларнинг сони ва сифатини оширишга ҳаракат қилинди. Президентнинг 1992 йил 28 февралдаги Президент Фармони билан 8та вилоятдаги педагогика институтилари универси-тетларга айлантирилди, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Қуролли кучлар академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси, Банк-молия академияси, Тошкент молия институти, Навоий кончилик институти ва бошқа энг зарур замонавий мутахассисликлар бўйича олий ўқув юртлари очилди. 1997 йилда Олий таълим тизимида 58та олий ўқув юрти, шу жумладан. 16та университет ва 42 та институт фаолият кўрсатган бўлса, уларда 164 минг талаба таълим олди. 16та университетнинг 12таси мустақиллик йилларида ташкил этилди. Олий ўқув юртларида

ишлаётган 18,5 минг профессор-ўқитувчиларнинг 52 фоизини фан докторлари ва фан номзодлари ташкил этди. Олий ўқув юртларнинг 14 таси техник, 3 таси иқтисодий, 15 таси гуманитар, 6 таси педагогик, 7 таси тиббий, 4 таси аграр, 12 таси тармоқ мутахассисликларини тайёрлашга ихтисослашган.

2011 йил 20 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди ва унда олий таълим муассасаларини модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш шакллари жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадларини амалга ошириш назарда тутилган.

Қарорга биноан 2011-2016 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди ва уни амалга ошириш учун 277 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. 2012 йил 10 декабрда имзоланган Президентимизнинг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорида чет тилларни ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, юксак маърифатли, замонавий фикрлайдиган ёш авлодни шакллантириш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти интеграциялашувига йўналтирилган тизимини янада кучайтириш назарда тутилган. Ушбу қарорда ёшларни чет тилларга бўлган қизиқишларини ошириш, уни эгаллашларига замин яратиш мақсадида 2015-2016 ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртларига қабул жараёнида кириш тестлари блокига чет тилининг киритилиши белгилаб қўйилди.

2012 йил 16-17 февраль кунлари пойтахтимиздаги симпозиумлар саройида президент ташаббуси билан “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусида халқаро конференция

Ўтказилди, унда Давлатимиз раҳбари “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусида маъруза қилди. Халқаро конференцияга дунёдаги 8 та нуфузли халқаро ташкилот ва молия институтлари, жумладан 48 та давлатдан 270 нафар олимлар ва мутахассислар иштирок этиб, узлуксиз таълим соҳасини ривожлантириш ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўргандилар. Бугунги кунда 65 та олий ўқув юртининг 32 таси вилоятларда фаолият кўрсатмоқда. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторида таълим йўналишлари сони 139 тадан 195 тага, мутахассисликлари сони 1145 тадан 1395 тага кўпайди.

Ўзбекистонда илмий-техника ва инновация сиёсатининг такомил-лашиб бориши ва кейинги йилларда янада жадалроқ тус олишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2006 йил, 7 август) ва “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2008 йил 15 июль) қарорлари туртки берди. Ушбу қарорлар асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 март фармойишига мувофиқ 2008 йилда молиялаштириш ҳажми 22476,3 млн. сўмни ташкил этди 1751 та лойиҳадан иборат фундаментал, амалий ва инновация илмий-техника дастурларини амалга ошириш таъминланди.

